



# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid\_uz

СИЁСАТ

## ТУРКИЙ ДУНЁ ВА

## ТУРКИСТОН САММИТИ



Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятида янги бурилиш нуқтаси сифатида Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпон-Ота шаҳрида бўлиб ўтган туркий тилли давлатлар VI саммитида фахрий меҳмон сифатида иштирок этганини қайд этиш мумкин. Бу қадам ташкилот ривожига янги туртки берди.

2019 йилда республика Нахичеван битимини ратификация қилиб, ТДТ фаолиятидаги тўлақонли иштирокини расман мустаҳкамлади. Бу ташкилот фаолиятига янги ҳаёт бағишлади. Бугун Туркистон шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг (ТДТ) навбатдаги норасмий саммити бошланади.

(Давоми 3-саҳифада.)

## ФАКТ

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осие хотин-қизларининг иккинчи форуми иштирокчиларига мурожаат йўллади.
- ✓ 18–20 май кунлари илк маротаба Тошкент шаҳрида “Муסיқа таълими: жаҳон миқёсида ягона майдон сари” мавзусида йирик халқаро форум бўлиб ўтади.
- ✓ Япониянинг машҳур “The Global Train Journey” телелойиҳаси ижодий жамоаси Ўзбекистон ҳақида ҳужжатли дастур суратга олмоқда.
- ✓ “АСWA” компаниясининг мамлакатимиздаги раҳбари Жон Заиди Ўзбекистон “яшил” энергетика соҳасида дунёга намуна бўлаётганини эътироф этди.

(Давоми 4-саҳифада.)

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Абдусайд КҮЧИМОВ

### ЖАВОБ

Бир ниҳол эқдингми Ватан боғига,  
Мехрингни тўқдингми чўл, янтоғига,  
Гулларга чанг-ғубор кўнган чоғида  
Арта билполдингми чангу ғуборни –  
Десалар, юртдошим, жавобинг борми?

Битта ғишт қўйдингми майдонларига,  
Бир васса ўйдингми айвонларига,  
Бир мисра кўшдингми дostonларига,  
Кураб ташладингми томлардан қорни –  
Десалар, юртдошим, жавобинг борми?

Кимдир узиб кетса дилбар гулларни,  
Кимдир бузиб кетса сарвар йўлларни,  
Кимдир эзиб кетса музтар дилларни,  
Дуосин олдингми меҳрга зорни –  
Десалар, юртдошим, жавобинг борми?

Уруш-жанжалларга хамиртурушлар,  
Иллатфурушлар-у, миллатфурушлар,  
Афиф осмонингга қилса хуружлар,  
Ҳосуд ҳақирларга тикдингми дорни –  
Десалар, юртдошим, жавобинг борми?

Жавобинг бўлмаса мумтоз-муқаммал:  
Кўлингга зулфиқор, белингга камар,  
Дулдул тулпорингга ёр булса қадам –  
Йўлдошинг сабъаи сайёр бўлади,  
Муқаддас жавобинг тайёр бўлади.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## РИЁСИЗ СЎЗЛАР



Усмун АЗИМ,  
Ўзбекистон халқ шоири

### МУҚАДДИМА

Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўради. Дунёнинг қайси бир четдаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйда рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки ғалабаси уларнинг руҳиятини кўтаради. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.

Улар – ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қиладилар, кайфиятлари

кўтарилади. Худого минг шукри, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислохотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туфайли инвестициялар бемаъл кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган. Қалам аҳли бу ва кўпга бошқа ютуқлардан бохабар. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳам мудом сезиб туради. Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан кўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдик. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, суҳбат гуриллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Баравар

рига “Биз олдинга кетибмиз” деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганимни, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қолдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлади. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганимиз! Юракларни фахр билан тўлдирган бу эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди? Ахир, биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку! Унинг ортида кимнинг меҳнатно заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди? Мамлакатимизнинг барча худудида ёйилган бунёдкорликка ким ғайратшижоат бағишляпти?

(Давоми 2-3-саҳифаларда.)



### ҒОЯЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Маълумки, иқтисодиёт назарияси инсоният тарихининг деярли ҳар бир даврида янги ғоя ва қарашлар, янги ёндашувлар билан бойиб келган. Иқтисодий фикрнинг ривожланиши фақат академик муҳокамалар доирасида қолмай, балки давлатлар сиёсати, жамият тузилиши ва одамларнинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатиб келган. Классик иқтисодиётдан тортиб замонавий ҳулқатвор иқтисодиётгача бўлган йўл – бу инсоният ақлининг узлуқсиз изланиши ва кашфиётлари тарихи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бу мактабларнинг биронтаси мутлақ тўғри ёки мутлақ нотўғри ҳам эмас. Ҳар бири ўз даври муаммоларини ҳал этишга уринган, ўз даври шароитига мос жавобларни излаган. Айнан шу сабабли замонавий иқтисодчилар кўпинча турли мактабларнинг ғояларини синтез қилиб, аралаш ёндашувлардан фойдаланадилар.

Иқтисодий фикрнинг замонавий тарихи шотландиялик мутафаккир Адам Смитнинг 1776 йилда нашр этилган “Халқлар бойлиги” асари билан бошланади, деб ҳисобланади. Смит биринчи бўлиб иқтисодиётни мустақил фан сифатида тизимлаштирди ва “қўринмас қўл” назариясини илгари сурди. Унинг таълимотига кўра, ҳар бир инсон ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилганида, бозор механизми ресурсларни самарали тақсимлаш имконини беради. Классик мактабнинг вакиллари Давид Рикардо, Томас Малтус, Жон Стюарт Милл бу ғояларни янада ривожлантирди. Рикардонинг қиёсий устунлик назарияси халқаро савдонинг асосини тушунириб берди. Эркин бозор, рақобат, нарх механизми ва давлатнинг иқтисодиётга минимал аралашуви классик мактабнинг асосий тамойиллари эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодиёт назариясида муҳим ўзгариш рўй берди: “маржинал инқилоб” деб аталган бу ўзгариш иқтисодий таҳлилга математикани олиб кирди. Уильям Стенли Жевонс, Карл Менгер ва Леон Вальрас бир-бирдан мустақил равишда нарх қийматини ишлаб чиқариш харажатлари билан эмас, балки сўнги (маржинал) фойда билан тушунирувчи назарияни ишлаб чиқди.

КИТОБ ВА ЖАМИЯТ

## КИТОБ КЕЛТИРГАН БАХТ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси Умида ТЕШАБОВА билан суҳбат



– Умида опа, келгуси ҳафтада мамлакатимизда “21 май – Кутубхоначилар куни” нишонланади. Аввало, касб байрами билан таҳририятимиз номидан табриклаймиз! Алоҳида сананинг белгиланиши ушбу соҳа вакилларининг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ролини англайди. Сизнинг бу соҳага кириб келишингиз қандай бўлган?

– Эътибор учун ташаккур! Энди-энди уйласам, менинг пешонамга кутубхоначи бўлиш ёзилган экан. Бугун республикадаги энг йирик кутубхонада раҳбарман. Аммо бу ерга тасодифан келиб қолмаганман. Талабаликдан кутубхонага ишга кирганман. Соҳани энг куйи тизимдан бошлаб ўргандим. Кутубхонадан бошқа жойда фаолият юритмадим. Мен кутубхоначиликни танлаганимдан фахрланаман. Аммо доим ҳам шундай бўлган, дея олмайман...

Истиқлолнинг дастлабки даврида соҳамизга эътибор етарли бўлмади. Кутубхоналарнинг моддий-техник базаси ғариблашди, ўн минглаб фонди билан у бинодан бунисига кўчиб юрган ҳолатлар бўлди. Кутубхоначиларнинг маошини бировга айтишга хижолат бўларди одам. Шунда ҳам улар ишни ташлаб кетмади, сабр-тоқат билан вазифасининг маънавий фойдасини ўйлаб, шундан таскин топиб яшайди. Бу даргоҳда китобни севадиганлар қолди. Биз тушунишга ҳаракат қилдик: ёш давлатга кутубхонадан кўра иқтисодиёт, мудофаа ва бошқа соҳалар муҳимроқ, деб.

(Давоми 5-саҳифада.)



## Бошланиши 1-саҳифада.

Саволларга жавоб битта: бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли қурилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан, деган қарорга келдим.

Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга лиқилламай олган бўлсам...



Бу ислохотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди?

Одамлар қандай яшаётган эди?

Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай.

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қиллар бўйи исмасди. Бир фарзандим кейинчалик "Шу уйда бир умр совуқ қотиб улгайдик", деб эслади.

Нафақага қўқдим. "Ишласанг, нафақангнинг яри тўланади", дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойда арағ етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машмашаларни-ку, айтмай. Дўконга борасан. Керакли молнинг нархини сўрайсан. "Нақд олсангиз, саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз, юз..."

Деновда — бозорнинг нақ ўртасида "пластик картадаги пулни нақда алмаштириш пункти" очилди. Уша безбет шаклда — юз сўм ечиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг дахшати, бу "пункт"ни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юртиди. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу лўттибозликлар бутун халқ кўз ўнгиде рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмади. Қўрқув. Бу қўрқувдан яралган тақдирсизлик — эртани ўйлашдан чўчиш — мудом елқадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларни қўйиб қўйган — аллақандай шанги хотинлар...

Бозорга борасан. Ҳар қадамда "долларчи"лар шайқаси... Долларнинг нархи расмий курсдан икки баробар банд. Кўр бўлиб оласан.

Сурхондарёда ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фирибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши зарур бўлган ташкилотлар давлат ичиде давлат туздилар. Одамлар устидан зуравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Хўрпадилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли қўрилмаган қийноқларга соддиқлар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўлладилар. Уларни янада янги "поғона"ларга кўтардилар.

— Тирноқларимни сугуриб олдилар, — деб зориллаб эслайди уларнинг қўлига тушган бир беғуноҳ. — Ҳаммасини баравар сугурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини сугурдилар...

Ҳатто ҳокимларга ҳам тазийқ ўтказилди. Бу юрда улар ҳам ишлагандан безиб қолди. Ноилож ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар. Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: "Ана сиз орзу қилган истиклол..."

Рости, мен ҳам бебахт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда "Бировлар ҳаром-хариш йўл билан пул тўплайпти. Паити келгач, пулни кўтариб, хорижга жўнба кетади", деган рост гапни айтган эдим, холос. Бу кўрсатув тўфайли телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб боргани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгалаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найранбозларнинг қўлида асирдай яшайди. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам ғафлатда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

# РИЁСИЗ СЎЗЛАР



Юқорида ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича кўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзилса бўлди. Мен фақат бошимдан ўтказганларимнинг ва туғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машъум воқеаларнинг бир қисминигина эс-лялман.

Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўлларини ҳеч ким билмасди.

Бироқ Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва... бирдан мўъжизаларга ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Айтиб ўтганим — кўргиликлар битта-битта ечимини топиб кетаверди. Тўлов пластик карталари рисоладагидеи ишлай бошлади. Пенсиялар тўлиқ бериладиган бўлди. Банклар янгича ишлаш тизимига ўтди: хоҳласаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳамат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги ҳайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлгани фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир, қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, унинг зиммасида яна қанча-қанча ташвишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қақшатган мустақилликнинг зарарқундалари шайқасини тугатиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир, улар осмондан тушмаган — бу гумроҳларни Тошкентдаги мартабаси банд, бели бакуват, бировини назар-писанд қилмайдиган ҳомийлари қўллаб-қувватлаб турарди. Бу жиноятчилар тўдасининг қўлами жуда катта — бир-бири билан зич боғланиб кетган, халқнинг манфаати деган муқаддас тушунчани тушида ҳам кўрмаган, одамлар ҳаётини ҳасдан ҳам арзон билган бедаволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кесилди. Бу иш осон бўлмади. Бўшангроқ бир одам бўлганда улар билан муроаси мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдири бор эди. Бўлажак Ватани бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа ноқислардан тозалаб, покиза ният ва эзгу ҳаракатлар билан яратиш лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватанни ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунди.

Қотиллик иллати юққан бу каслардан эл-юрт озод қилинди. Аввал "тепа"даги, кейин пастдаги қатлам илдири билан сугуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон... Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватанни халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўрин! Эсимда: бу воқеалар ниҳоясига етказилгач, Президентимиз Сурхонга ташриф буюриб, "Сурхондарё халқи, энди озодсан!" деб элга мурожаат этган эди.

Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди. Мен фақат яқин билганим — Сурхондарё ҳақида ёзганман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта маъмурий-ҳудудий бирик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларни ҳал этишдаги мардонанов сазай-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.



Одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки "Яқин бўлди-е!" деб қувонади-ю, кейин худди ҳаммиша шундай бўлгандай ўтиб кетаверади. Назаримда, шундай бўлгани ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганапти! Муносиб яшаш мўъжиза эмас, шунчаки, ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқеалик эканига кўникаиб бораётишимиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авлиёлар, олимлар маскани бўлган



Термиз эсимни билганимдан буён кўримсиз, чанг-тўзонга қоршиган, соя-салқиндан йироқ — ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат — ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспорти синчиклаб текширилди, агар Сурхондарё ҳисобида бўлмагангиз, ўтиб кўринчи!

Мустиқилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар — постлар ўрнатилди. Бу ҳолат халқимизнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишига халал берадиган ортиқча машмаша эди. Паспортни унутган бўлсангиз, бу постлардан ўтишнинг ягона йўли — имкони топиб, "посбон"ларга пара бериш эди... Бошқа иложингиз йўқ. Назаримда, бу постлар худди шундай вазият яратиш учун қўйилган тўзоқ эди...

Сурхондарёда эса бу ҳолат йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мураккаб эди. Вилоятга киришда — Дарбанд поstdа худди хорижга кетаётганингиз каби бор-йўгингиз тинтилар, юкларингиз эса лентага солиниб, лазерли усқуналар ёрдамида кўздан кечтирилди. Бу ҳам етмагандек, жомадону сумкалар ҳам очтирилиб, текширилди... Тинтув. Хуллас, пора бермасангиз, қутулиб бўйсиз. Термизга ва Саросиёга кириверишда яна шу ҳолга дуч келинар эди.

Бу тўсиқларнинг ҳаммаси Шавкат Миромоновичнинг бир шашти билан йўқ бўлди.

Чангу гўборга қоршиган Термиз ҳам бирдан ўзгара бошлади.

Ҳозир бу шаҳар кўчаларининг икки четиде манзарали дарахтлар соя ташлаб турибди. Кетгунича ям-яшил чимзор. Гуллар ажиб дид билан экилган. Яқинда меҳмонхонадан машинада чиқиб, мана шундай гўзал — бир қарич ҳам узилмаган манзарани ора-лаб, аэропортга бордим. Хорижий курут шаҳарчаларни эслатади. Янги қурилган шинам, кўркам иморатлар ҳам ярашқили. Менга ўқитувчилардан бири "Одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи тўлиқ тазминланган, бир хонадонда икки-уч оила тикилиб яшашдан қутулган", деб қолди. Амалдор эмас, ўқитувчи айтди!

Термиз эса ўсяпти. Банд-банд бинолар қад кўтаряпти. Ҳатто шаҳар эркин нафас ростлаб, тикилмай кенгайиши учун қўшимча ерлар кераклиги кўзга ташланиб қолди. Шавкат Миромонович бу масалани ҳам ҳал қилиб берди — шаҳарга қўшимча жойлар ажратилди.

Ўқувчида "Сурхондарёда фақат Термиз гуллаб-яшнаётган экан", деган таассурот қолмаслиги учун айтиб қўяй, вилоятлардаги барча туманлар ўзгача қиёфа касб этган. Чамаси, беш-олти йил аввал бир гуруҳ санъаткорлар билан Сурхоннинг шимолий ҳудудлари сари кетаётган эдик. Йўлда бир зум чалғибман. Ўзимга келиб қарасам, бир нотаниш шаҳарнинг ёнидан ўтяпмиз. Кўп қаватли уйлар, орасида ораста йўлақлар, дарахтлар, болалар ўйнайдиган майдончалар лип-лип ўтади. Қаерга келиб қолдик? Сурхондарёнинг ҳар бир қарич ерини билман. Наҳотки, туш кўраётган бўлсам? Бироз юргач, англадим: бу — Денов. Ҳа, ўзим бошдан-адоқ кезиб-билиб юрганим Денов! Эй Худо! Бу шаҳар ичидеги шаҳар — мўъжиза қачон, қандай барпо бўлди? Шунча тезми? Англадим — бу мўъжиза Президентимизнинг шижоати тўфайли бунёд бўлган! Сўнг

тасаввур қилдим: мамлакатда қанча туман бор, қанча шаҳар бор, борингки, маҳаллалар бор... Барчасида мана шундай бунёдкорлик кетаётган бўлса керак-да! Кетяпти!

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!



Мен мажлисларда кам қатнашаман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йиғинлардан ўзимни тортаман.

Аммо яқин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувонгча тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда 2030 йилга қадар амалга ошириладиган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, қўламли ва аниқ тайёргарлик қўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблағ бор (банк бошлиги тасдиқлайди ёхуд жойдаги қайси инвестор билан келишилгани айтилади), бу режа иш амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш санаси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддилар яна бир бор мажлис ахли олдида ахборот берди. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи очилиши ҳам очиқлаб борилди. Юзлаб, минглаб...

Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартиб амалга оширилди. Бирор-бир ишни бажариш орзу сифатида айтилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиликнинг чет эллик ҳамкорлар ҳозир турганини, Ўзбекистондан имо бўлгач, шу заҳотиёқ учиб боришини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас — Хитойдан тортиб, Жанубий Африка Республикасигача!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президентимиз бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нимани амалга ошириш кераклигини ички — онгости туйғу билан ҳис қилишини шундоқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг ечимини топишда бир хил масъулият билан ёндашишга, баъзан бадиҳаларига ҳам гувоҳ бўлдим.

Мажлисдан аввал бойсунлик — кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир полвон Муҳаммадиев билан ёш курашчилар учун очилган интернет ҳақида суҳбатлашган эдик. Мажлис сўнроғида Президентимиз ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди:

— Сенинг интернетингнинг мактаби йўғ-а?  
— Йўқ, — деди полвон.  
— Болалар қаерга ўқишга боради?  
— Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга.

Шавкат Миромонович кўзи билан залдан керакли одамни излаб топди:

— Пулиг бор-а?  
— Ҳа, — деб ўрнидан кўзгалди "керакли одам".

— Шу полвоннинг интернетига мактаб қуриб бероласанми?

"Керакли одам" жон деб рози бўлди.

— Биринчи сентябргача тайёр бўлсин! — деди Президентимиз.

Завқланганимдан секингина бўлса-да "Воя", деб юбордим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасида қарийб ўттиз тўққиз миллион нуфусли халқнинг таъшиши турибди! Мамлакатда, эҳ-ҳе, қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб, Президентимиз Тоштемир полвоннинг мактаб-интернати муаммосини эслаб ўтирса!..

Йиғинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисни сурхондарёликлар учун байрам деб атадим. Чунки тушунишимча, Ватан деган мухташам иморат ривож учун қўйилган ҳар бир гишт — байрам. Бугун эса қанчадан қанча гишлар қўйилди!

Бу мажлисда айтилган ва келгусида амалга ошириладиган ҳар бир режа юрт хазинаси қанчалар бойиши, одамлар хонадонига қанчалар файзу барака олиб кириши ҳақидаги

рақамларни эслаб ўтирмайман. Чунки улар матбуотда етарлича ёрилди.

Аммо бир қўтлуғ хабарни айтмасам бўлмайти.

Йигирма олтинчи апрелда Бойсунга борадиган бўлдим.

Термиздан келадиган йўл манзилга олти-етти километр қолганда юқоридеги мажлисда тилга олинган — бир неча йиллардан буён қурилиши давом этаётган Дарбанд — Денов трассасига қўшилиди. Биз бўлажак трассага тушдик. Пишиқ қилиб ишланган бетон йўл. Ғизиллаб кетяпмиз. Фақат икки жойда гавараси кўтарилиб, қурилиши ниҳоясига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик, холос. Ичимда "Бир-икки ойда битиб қолар", деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин "Бойсун баҳори" фестивалида қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишга тўғри келди. Бу сафур машинамиз тайёр бўлган кўприклар устидан ғизиллаб ўтиб кетди! Ҳа, тайёр бўлган кўприклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб!.. Яна рўҳимни қувонч сели босди! Қойил! Ва Термиздаги мажлисда айтилган барча режалар ўз муддатида бажарилишига ишончим комил бўлди.

Президентимиз йиғин сўнгида шу тахлит режалар билан барча вилоятга ва Қорақалпоғистонга борилишини таъкидлаб ўтди! Яна мамлакат келаганини барпо этиш йўлида оммавий жадал ҳаракат! Бир зум бўшашмайдиган, эл дастурхонига барака берадиган режалар. Бу режаларнинг асосчиси Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун қуйиб-ёнадиган инсон! Эзгу ниятларига фаришталар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очди!

Мен яқин келажақда юртимизнинг энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Бу ишончимга қўшилмайдиганлар бўлса, Жаҳон банкининг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларига мурожаат этсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариши суръатини 7,7 фоиз этиб, прогноз берапти. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, ун-ун икки йилдан кейин Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқариши триллион доллардан ошар экан! Триллион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага келган рақамлар! Кўз тегмасин!

Уэр, хорижлик мутахассисларни ҳам хиҷолат этиб қўяпмиз! Юқоридеги рақамларни ёзганда кейин ҳозиргина ўқиб қолдим: ўсишиши суръати уларнинг тахминидан жуда юқори — 8,7 фоиздан зиёд экан!



Дунёнинг улуғ донишмандлари инсониятни тугиб турган қадриятлар ҳақида охир-оқибат ягона хулосага келган. Инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзи ҳам аралашиб, не-не ғағоларни бошдан ўтказган Алишер Навоий бир қуни мана бундай сатрларни битган:

Олам аҳли, билгингизким,  
иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,  
эрур ёрлиғ иш.

Бу байт маъносини барча англаб турган бўлса ҳам майли, шарҳлаб қўяй: "Дунё одамлари, — деяпти шоир, — билиб қўйинг: душманлик яқини иш эмас. Бир-бирингиз билан дўст бўлинг, инсонга фақат дўстлик ярашади!"

Шавкат Миромонович, назаримда, ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам "душманлиғ иш эмас" эканини чуқур тушунган. Марказий Осиёдаги қондош-жондош мамлакатлар ўртасида авж олган нохушлиқларни юраги ачишиб қузатган. У бошқарган Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси хўжалик юритиш бўлгани учун қўшнилари билан муносабатимиз ёмонлиги тўфайли ривожланиш иммиллаётганини теран ҳис қилган. Энг муҳими, бу ғалвалардан одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу боис, Шавкат Миромонович мамлакат бошқаруви жиловини ўз қўлига олгач, бир зум тин олмай, аввало, қўшнилари билан қардошлиқ-қариндошлиқ ришталарини тиклай бошлади. Бу иш қанча оғир-енгил кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа қутлуғ — қўшни мамлакатларга йўлимиз тушса, Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида биз ҳам иззат-ҳурмат кўряпмиз.

Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шўролар даврида, масалан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бор-йўқлиги эсимизга ҳам тушмасди. Термиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбега ҳам учиб бориб, Сурхонга ўтиб кетаверардик. Баъзилар каттароқ бозор-учарини Душанбега бориб қиларди... Аммо мустақилликдан кейин бир муддат ўтгач, ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас орзуга айланди!

Ҳозир тарихга айланган бошгоғриқ бу кунлардан бир шинглик воқеани қуни кеча хиҷоя қилиб беришди. Саросиёда яшайдиган бир кекса аёлининг Регардаги синглиси вафот



этганда жигарининг қабрини зиёрат этиш учун саккиз йил уришиб, чегарадан ўтолмаган экан. Регар билан Саросиёнинг ораси, ҳа борингки, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари ўрнатилгач, қариндошлар бу узоқ айрилиқдан сўнг йиғлаб-сиқтаб юз кўришди. Душанбедан шувиллаб машиналар Сурхондарёга келадиган, уч-тўрт саросиёлик дўстлар "Душанбени бир айланиб келайлик", деб йўлга чиқадиган бўлди. Бир қадам йўл! Эрталаб бориб, кечкурун қайтиб келасиз!

Тожикистонни бошқа ҳудудлар, қўйинги, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар юртимиз орқали ўтади! Энди бундай имкониятларга эга тожик халқининг хуррамлиги нечоғлиқ бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу қўшниларимиз юртига ташриф буюрганда, Эмомали Раҳмон саҳнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр лутф этган эди: "Булар, – деди у зални тўлдириб ўтирган тожик халқи вакилларига ишора этиб, – сизни мендан ҳам ортқ яхши кўради!" Мана хурмат! Мана қардошлик!

Президентимизнинг бу ташрифидан сўнг бир муддат ўтгач, беш-олти ёзувчи жам бўлиб, Душанбега бордик. Мақсадимиз Бойсунда туғилган дўстимиз, Тожикистон халқ ёзувчиси Саттор Турсун вафоти муносабати билан ақинларига ҳамдардлик билдириш эди. Ёз кунлари. Эгнимизда ёзилган энгил-бош... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғли киши – оппоқ кўйлак, қора костюм-шим кийган тожик дўстларимиз кутиб олди. Эртаси куни кутилмаганда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конференция ўтказилди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарзда мажлисининг номини иззат-икром дейдилар! Ўзбекларга иззат-икром!

Бизни Сурхондарёга олиб кетгани юртимиздан оғайнилар келди. Мен йўлда қандай кетсақ бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликда ҳайдаса маъқул, миллисалар тўхтатса, қандай муомала қилиш керак, деб сураб қолдим. Ҳар ҳолда машиналаримиз рақами Ўзбекистонники-да! Тожик дўстларнинг жавоби мени ҳайрон қолдирди:

– Ҳар қандай тезликда ҳайдайверингллар! Миллисалар тўхтатмайди! Президентимиз "Ўзбеклар менинг меҳмоним – уларага ҳеч ким тегибмасин", деб юқори минбарда айтган!

Қалай? Бу гаплар ўзбек халқига хурматнинг энг чўққиси эди.

Икки халқ ўртасидаги бу иззат-хурматнинг қайтиши, янада юқори даражада кўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонқуялиги, самимий – дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ эди.

Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Ўш шаҳрига бир гуруҳ ижодкорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам Ўш сафарида бўлганман. Чегара машмашаларини ўйлаб, кўнглим хижил бўлиб бораётгандим. Аммо безовталикка ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фуқаролигига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бемалол ўтиб кетавердик. Қирғизлар ҳам юртимизга шундай кириб келяпти.

Бу бемалолликни яратган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўстликни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир, бу икки қўшни халқ ўртасидан нималар ўтмаган эди!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейига бағишланган ижодий кеча ниҳоятда баланд савияда ўтди. Мажлисда Қирғизистон ҳукуматининг бош қотиби, нуфузли ТУРКСОЙ ташкилоти раҳбари, Ўш шаҳри ҳокими қатнашди ва нутқ сўзлади. Шавкат Раҳмон ўқиган мактабга ва шаҳарнинг катта кўчаларидан бирига шоир номи берилди.

Албатта, бу катта шоир шундай эҳтиромга арзийди. Шубҳа йўқ. Аммо, барибир, бу самимий эҳтиромнинг сабабчиси Шавкат Миромонович эканини ҳам ҳар қадамда ҳис қилиб турдик.

Каминна Қозоғистон сафарида бўлганимда дўстларнинг худди шундай меҳрига дуч келдим. Бир эмас, бир неча мукофот билан тақдирландим. Ҳатто хорижий бир мамлакатнинг адабий мукофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тасвир билан менга топширилди. Агар муносабатларимиз аввалдагидай ғаразли кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?!

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчиликнинг, баркиенгликнинг ва меҳру муҳаббатнинг бош меъмори Шавкат Миромонович эканини ҳозир барча кўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонга қарамоқда.

Мен, асосан, азалий яқин қўшниларимиз билан муносабатлар ҳақида ёздим. Ҳар куни ўзгараётган бу чигал дунёдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз ҳам айтишга арзигулик эканини таъкидлаб ўтмоқчимман. Масалан, Афғонистон билан етарли даражада алоқалар ўрнатганмиз. Ахир, бу мамлакат орқали океанларга чиқиш орзумиз бор!.. Ҳозир шундоқ Амударёдаги кўприқдан ўтиб, ўзбек тупроғига қадам қўйилган жойда "Ўзбекистон – Афғонистон чегара олди савдо ҳудуди" бунёд этилган. Қатор-қатор дўконлар, меҳмонхоналар, ошхоналар... Савдо-сотиқ авжида. Худуд тўлиб-тошиб кетяпти. Президентимиз бу худудга яна қўшимча ер ажратиб ҳақида топшириқ берди.

Албатта, бу ён қўшниларимиз ҳам Ўзбекис-

тон раҳбари шаънига илиқ сўзлар айтгани-айтган...

Дунёда ҳақиқий обрўга эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбага истеъдодли, ўзини аямай меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳурмат этадиган, ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий арбобларгина сазовор бўлади.

Мана шундай обрўга эга бўлганлардан бири эса бизнинг Президентимиз – Шавкат Миромонович! Ҳа, ўзимизнинг Президентимиз!



Мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг оқими жуда катта. Уларнинг ҳаммаси "Мен – Ўзбекман!" деганларни қувонтиради.

Масалан, кейинги ойлардагина рўй берган қатор янгиликлар ҳали-ҳануз мени ҳайратга солиб келяпти.

Агар икки-уч йил аввал биров "Барчамизнинг жонимизга теккан шўх пахтадан саксон-тўқсон центнердан ҳосил олинади", деса, каминна "Қўйсанг-чи", деб кулиши аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна қаерда денг? Сирдарёда! Бу вилоятда талабалигимда пахта терганман. Ўртача йигирма центнердан ҳосил олинса, дўппи осмонга отиларди! Энди эса... Одам ишонмайди. Ҳатто деҳқонларнинг ўзи ҳам чаноқлар бошдан-адоқ очилган пахтазорга қараб, ҳайрат билан гапирганига гувоҳ бўлганман. Хориждан уруғлик келтирилди? Келтирилди. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. "Порлоқ" навли ғўзамиз хорижий навлардан ортқ бўлса ортқ, лекин кам эмас! Бир жумла билан билан айтилганда, пахтачиликда инқилоб рўй берди!

Ҳайратланарли яна бир воқеа. Олмаликда 3-мис бойишми фабрикаси ишга туширилди. Бундай фабрикалар қурилиб, ишга туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилга чўзилар экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалга оширилди. Бу муддатга ҳатто ўзимизнинг энг катта мутахассислар ҳам, америкалик ҳамкор ҳам ишонқирамаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор тажрибасини ўрганишга чақирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди гурурланадиган мўъжиза – Ислоҳ цивилизацияси марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган қоша. Деворларида қўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган – илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар. Усмон Кўрғони, қадимий кўлёмалар... Уларни намоийш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши...

Шавкат Миромонович марказнинг қурилиши ҳақида қизик тушунтириш берди: "Бу марказнинг қурилишида шоммадик. Саккиз йилда охирига етказдик..."

Бу изоҳ менга жуда ёқди. Чунки навбатдаги бир иморат эмас, балки санъат асарини қуриладиган эди! Санъат асарини яратилишига худди шундай сабр-тоқат билан ёндашилади! Президентимиз мана шу нозикликини англаган! Хуллас, асрларга татиғулик иншоот дунёга келган.

Мен интернетда бу мўъжизани томоша қилиш учун бораётган икки кишининг суҳбатини эшитдим.

– Сен, – деди уларнинг бири иморат бор бўйича кўрингач, – Тожмаҳалли ҳам кўргансан. Қайси зўр?..

– Бу зўр-ов, – деди ҳамроҳи бинога назар ташлаб. Сўнг ишонч билан бир қарорга келди. – Бу зўр!

Тамом, вассалом! Бу зўр! Бундай бунёдкорликлар ҳақида ёзаверсам, адо бўлмайди шекилли.

Бугун интернетни очдим. Мана, тилга олинган янгиликлар: Тошкентдан Хоразмга йўл олган "Жалолиддин Мангуберди" тезорар поезди, Тошкент вилояти марказидан Бекободдан айлантирилиб, Янгигерга борадиган янги 111 километрли янги темир йўл қурилиши, Самарқандга борадиган янги тесор йўл, Тошкентда янги аэропортдаги асосий ишларнинг бошланиши...

Назаримда, ҳайратларимнинг энди чеки бўлмайди.

## Сўнгсўз ўрнида

Спорт ишқибозиман. Ишқибозлигимни билладиган Хайрулла деган журналист укам – тўқсонинчи йилларнинг охирида бўлса керак, футбол газеталаридан бирига интервью олиб қолди.

– Мана, Япония футбол жамоаси жаҳон чемпионати финалига йўланма олди, – деди у. – Биз қачон жаҳон чемпионатига чиқамиз? – Энди, – дедим мен атрофимдаги воқеликларни бир зум кўз олдимга келтириб, – мамлакатимизнинг Японияга менгзаб ривожланишини кутамиз-да, укам.

Орзумизга эришдик. Футболчиларимиз финал йўланмасини қўлга киритди. Демак... Японияга менгзаб кетяпмизми? Шунга жуда ўхшайди. Ҳар ҳолда ривожланишимиз суръати кунчиқар юртниқидан анча баланд.

Ишончим комил, шундай бўлади! Чунки Ватанимизнинг бугунини ва эртасини яратишга ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли инсон бел боғлаган!

"Янги Ўзбекистон" газетасининг 2026 йил 12 май сонидан олинди.

# ТУРКИЙ ДУНЁ ВА ТУРКИСТОН САММИТИ

## Бошланиши 1-саҳифада.

Бу тадбир нафақат туркий халқларнинг маънавий пойтахтида ўтаётгани билан, балки глобал геосиёсий вазият ниҳоятда мураккаблашган бир даврга тўғри келаётгани билан ҳам тарихий аҳамиятга эга.

Дунё харитасида янги куч марказлари шаклланаётган, йирик давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик кучайган ва анъанавий хавфсизлик тизимлари заифлашган бир пайтда, Туркий давлатлар ташкилоти халқаро майдонда салмоқли куч сифатида намоён бўлмоқда.

Тарихан XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ва бутун туркий оламда юз берган жадидлик ҳаракати миллий уйғониш ва ўзаро яқинлашувнинг асосий ҳаракатланувчи кучи бўлди. Исмоил Гаспирали, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби жадид намоёндалари туркий халқларнинг келажакини фақатгина бирлик ва илм-фан тарақиётида кўришган. Жадидларнинг муҳим хизматларидан бири шундаки, улар таълим ва илм-фанни модернизация қилиш, "Усули жадид" мактаблари орқали дунёвий билимларни тарқатиб, жамиятни жаҳолатдан кутқаришга интилишди. Исмоил Гаспиралининг машҳур "Тилда, фикрда, ишда бирлик!" шiori бугунги туркий интеграциянинг концептуал асосига айланди.

"Таржимон", "Садои Туркистон" каби газеталар орқали турли минтақалардаги туркий халқлар ўртасида маънавий кўприк ўрнатилди.

Жадидларнинг орзуси бўлган "Туркистон мухторияти" ёки ягона туркий макон гоёси ўз даврида сиёсий босимлар остида қолган бўлса-да, унинг маънавий уруғлари бугунги кунда бўй кўрсатмоқда. Хусусан, ҳозирги туркий интеграция макони жадидларнинг урта асосий тамойилини ўзда мужассам этган. Биринчиси, маънавий яқинлашув, тарихий мерос ва диний-маданий қадриятларни қайта тиклаш. Иккинчиси, жамиятни модернизациялаш, рақамли технологиялар, инновацион иқтисодиёт ва таълим соҳасидаги қўшма лойиҳалар. Учинчиси, давлатлараро сиёсий ишонч ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик.

Жаҳонда "Ялта тизими" емирилиб, янги тартибот шаклланаётган бир пайтда, ТДТнинг бирлиги улкан минтақада барқарорликни таъминлаш, давлатлар суверенитетини ҳимоя қилиш борасида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Туркий давлатлар ташкилоти Ғарб ва Шарқ (АҚШ ва Хитой ёки Россия) ўртасидаги глобал рақобатда мувозанатлаштирувчи ролни ўйнайди.

Бу давлатларга йирик кучларнинг босимидан ҳимояланиш ва ўз миллий манфаатларини жамоавий тарзда ҳимоя қилиш имконини беради. Шу билан бирга, халқаро институтлар инқирозга юз тутган шароитда, ТДТ ўхшаш маданият, тил ва қадриятларга эга давлатларнинг ўзаро ишончга асосланган мулоқот майдонига айланади. Бу ерда мураккаб масалалар "катта оға"-сиз, тенг ҳуқуқлилик асосида ҳал этилади. Тузилма минтақавий барқарорлик кафедраси ҳамдир. Афғонистондаги вазият ва Яқин Шарқдаги можаролар фониди Туркий дунёнинг жиқлашиши Марказий Осиё ва Кавказ минтақасини беқарорликдан асровчи "хавфсизлик камари" вазифасини ўтайди.

Туркистон саммити норасмий мақомга эга бўлса-да, унда қабул қилинадиган қарорлар стратегик аҳамиятга эга. Кун тартибиди "Туркий дунё нигоҳи – 2040" дастурини амалга ошириш, божхона тўсиқларини камайтириш ва ягона транспорт маконини яратиш масалалари марказий ўрин тутиши кутилмоқда. Шунингдек, дунёдаги сўнгги ҳарбий ва иқтисодий можаролар фониди, туркий давлатларнинг мудофаа саноати соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш масаласи ҳам муҳокама қилиниши эҳтимолдан холи эмас.

Туркий давлатлар ташкилоти – бу шун-



чаки ўтмишдаги илдизларни эслаш эмас, балки келажакдаги хавф-хатарларга қарши жамоавий қалқондир.

2026 йилги Туркистон саммити туркий халқларнинг нафақат маданий, балки сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бир бутун кучга айланаётганини намоийш этади. Дунёда кескинлик ортаётган бир шароитда, бундай иттифоқ минтақамизнинг барқарорлиги ва фаровонлиги учун энг муҳим қадамлардан биридир. Аниқроқ айтганда, XX асрда Европа Иттифоқи инсоният тарихий ва сиёсий ҳаётида, халқаро тинчликнинг таъминотида қандай роль ўйнаган бўлса, XXI асрда яратилажак Туркий давлатлар бирлиги ҳам шу функцияни, айна пайтда янада катта сиёсий таърифа ва потенциални амалга ошириш имконини беради. Шу йўл билан эндигина мустақилликка эришган туркий давлатларнинг қардошлик муносабатларини яратишга катта ҳисса қўшган Туркиянинг марҳум президенти Тургут Ўзалнинг 1992 йилда "XXI аср – туркийлар асри бўлади" дея узоқни кўзлаб айтилган сўзлари ўз тасдиғини топиши мумкин. Ҳали ўша пайтлар Тургут Ўзалнинг бу некин ва жасоратли сиёсий қарашларига ўз муносабатини билдирган сиёсатчилар бу ўринда фақат Туркия эмас, балки барча туркий давлатлар назарда тутилганини баён этишган.

Туркий интеграция маконининг шаклланиши кўп йиллик тарихга эга бўлиб, у нафақат тил, маданият ва тарихий мерос муштараклигига, балки туркий халқларнинг бой маърифатпарварлик ва интеллектуал тафаккур аъналарига ҳам таянади. XIX аср охири XX аср бошларидаги жадидлик ҳаракати маданий ва маънавий яқинлашув гоёларининг шаклланишида алоҳида ўрин тутди. Унинг намоёндалари таълим, илм-фан, жамиятни модернизация қилиш ва туркий халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори бўлган.

Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида кечаётган жадал интеграция жараёнлари шунчаки сиёсий ёки иқтисодий зарурат эмас, балки кўп асрлик тарихий асос ва теран интеллектуал тафаккурнинг мантиқий давоми, десак тўғри бўлади. Туркий дунёнинг бирлашиши гоёси нафақат тил ва маданият муштараклигига, балки энг аввало, бундан бир аср олдин пайдевори қўйилган маърифатпарварлик аъналарига таянади. Яъни, жадидлик ҳаракати интеграциянинг интеллектуал бешиги ҳисобланади.

ТДТ фаолиятининг яна бир асосий мақсади аъзо давлатлар – Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон ўртасида хар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Устувор вазифалар қаторига ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсий позицияларни мувофиқлаштириш, шунингдек, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш кирради. Савдо ва инвестициялар учун қулай шароит яратиш, илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақа аҳолиси турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Рақамлар мавжуд ҳолатнинг тиниқ кўз-

гусидир. 2019–2025 йиллар давомида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган 116 та ташаббус илгари сурилди. Энг муҳими, бу таклифлар қозғоғда қолиб кетмади – уларнинг 64 таси тўлиқ амалга оширилди, қолганлари эса яқуний босқичда турибди. Бу кўрсаткич Ўзбекистоннинг туркий маконда интеграция жараёнларига нисбатан тизимли ва натижага йўналтирилган ёндашувини кўрсатади.

Туркий давлатлар билан иқтисодий алоқалар изчил ўсиб бормоқда. 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг ТДТ давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми илк бор 10,8 миллиард доллардан ошди. Қозоғистон ва Туркия мамлакатимизнинг асосий савдо шериклари сифатида қолмоқда, аммо Озарбайжон ва Қирғизистон билан ҳам савдо динамикаси юқори. Иқтисодиётнинг "кон томирлари" бўлган транспорт соҳасида ҳам улкан қадамлар ташланди. Масалан, Ўзбекистон ташаббуси билан "e-Permit" ва "Рақамли ТИР" жорий этилиши ордидан юк ташиш жараёнлари рақамлаштирилди, бюрократик тўсиқлар камайтирилди. Божхона жараёнлари соддалаштирилиб, транзит салоҳияти кескин оширилди.


Ўзбекистон ташкилот доирасида маданий-гуманитар алоқаларни янги босқичга олиб чиқди. Қўқон шахрининг "Туркий дунё туризм пойтахти" деб эълон қилиниши ва "Табаррук зиёрат" лойиҳасининг ишга туширилиши минтақада зиёрат туризмнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Ёшлар сиёсатида эса Туркий университетлар уюшмаси ва Ёш етакчилар форумлари орқали янги авлод туркий зиёллари ва тадбиркорлари қатлами шакллантирилмоқда. Айниқса, космик соҳа ва мудофаа саноатидаги ҳамкорлик иштирокчи давлатларнинг ягона технологик макон яратиши йўлидаги қатъиятини кўрсатади.

2022 йилги Самарқанд саммитидан сўнг бошланган Ўзбекистон раислиги ташкилот тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Илк бор раислик даври учун комплекс концепция ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Раислик доирасида 100 дан ортқ йирик тадбирлар ўтказилиб, ҳамкорликка институционал ва изчил тус берилди.

Туркистон саммити туркий давлатларнинг асримизнинг энг долзарб қақриқларига жавоби бўлади. Зеро, саммитда рақамли трансформация ва сунъий интеллект соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштириш, қўшма инновацион экотизимларни яратиш, замонавий технологиялар даври учун юқори малакали кадрлар, мутахассислар тайёрлаш, геосиёсий кескинлик шароитида минтақавий барқарорликни таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилади.

Туркистон саммити рамзий маънода жадидлар интилган ўша буюк мақсадларнинг замонавий кўринишидир. Туркистон шахрининг "Туркий дунёнинг маънавий пойтахти" деб эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, бу муқаддас замин асрлар давомида туркий тафаккурнинг маркази бўлиб келган ва бугунги кунда у яна бир бор тарқоқ занжирларни бирлаштирувчи нуқтага айланмоқда. Шу маънода, Туркий интеграция – бу вақтинчалик конъюнктура эмас, балки тарихий адолатнинг тикланишидир. Жадид боболаримиз бошлаган маърифатпарварлик ҳаракати бугунги кунда сиёсий ва иқтисодий қудрат билан тўлдирилмоқда. Глобал дунёдаги кескинликлар шароитида бизнинг энг катта кучимиз – тарихий меросимиз ва интеллектуал тафаккуримиз муштараклигидир.

Иқбол МИРЗО



“Туркий дунё асрлар давомида нафақат жанг майдонлари, балки фалсафа, илм-фан ва маданият соҳаларида ҳам сезиларли из қолдирган. Бу замин фарзандлари маънавият ҳамда гўзалликни интилиш соҳаларида инсоният цивилизацияси хазинасига бебахо ҳисса қўшганлар.

Султон РАЕВ



# АВВАЛ ИҚТИСОД...

Бошланиши 1-саҳифада.

Неоклассик мактаб истеъмолчининг рационал хулқ-атвори, талаб ва таклиф мувозанати ҳамда бозор нархларининг табиий мувозанат нуқтасига интилишини математикавий тарзда ифодалади.

Альфред Маршалл эса бу ғояларни бирлаштириб, неоклассик синтезни яратди ва бугунги кунда ҳам дарсликлардан жой олган талаб-таклиф эгри чиқиқларини ишлаб чиқди.

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ПРОГНОЗИ: ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ (ЯИМ), 2025-2030



XX asrning eng muhim iqtisodiy hodisasi – 1929–1933 yillardagi Buyuk Depressiya neoklassik maktabning “bозор ўзи барча muammolarni hal qiladi”, degan qoidasini shubxa ostiga kuydi. Aynan shu tarixiy kesimda britaniyalik iqtisodchi Jon Meynard Keyнс saхnaга chiqdi va 1936 yilda nashr etilgan “Bandidk, foiz va pul bуйича umumiy nazariya” asarida mutlaqо yangi ёндашув taklif qildi. Keyнс taъlimotining moхiyati shundan iboratki, bозор ўz-ўzini tartibга солишга ҳар doim qodir emas; reцессия davrida iйigilib qolgan talabni raғbatlantirish uchun davlat xarajatlarini oshirish va soliqларни kamaytirish zarur. Ushbu “fiskal siёsat” vositasi orqali хukumat iqtisodiyetni depressiyadan chiqarishi mumkin.

Ikkinchi Jaҳon urushidan keyingi davrda keyнсчилик g'arbiy mamlatlarda хukmron iqtisodiy mafzuraga aйланди. “Farovonlik davlati”, ijtimoiy kafolatlar tizimi, davlatning investitsiya dasturlari – bularning barchasi keyнсчилик tamoyillarida ўz iqtisodiy asosini topdi. 2008-2009 yillardagi global moliyaviy inqiroz va COVID-19 pandemiyasi davrida хukumatlarning keng kўlamli iqtisodiy raғbatlantirish dasturlari aynan keyнсча ёндашув asosida amalga oshirildi.

1970 yillar stagflyatsiyasi bir vaқtning ўzida iqtisodiy ўsishning tўxtashi va yuqori inflyatsiya – keyнсчилик nazariyasining kийinchiliklarini kўrsatdi. Bu sharoitda Milton Fridman boшchiligidagi Чикаго maktabi va Avстрия maktabi (Fridrix fon Хайек) ўz ғoyalari bilan old ўringa chiqdi.

Monetarizm asosiy ғoyasiga kўra, inflyatsiya – bu ҳar doim va хamma joyda pul hodisasi. Pul massasini nazorat qилиш iqtisodiy barqarorlikning asosiy sharti ҳisoblanadi. Хайек “bilinglar tarqoqligi” tushunchasini ilgari surib, ҳеч qандай markaziy organ bозор narxlari bergan axborotning tўliq ўrnini bosa olmasligini isbotladi. Bu ғoyalar 1980 yillarda Рейган va Тетчер davrida amalga oshirilgan neoliberal isloхotlar uchun nazariy asos bўlib хizmat qildi.

XX asrning oxiri – XXI asrning boшida iqtisodiy nazariyasida inqilob rўy berdi: psixologiya va iqtisodiyet kesishuvi bўlgan хulq-atvor iqtisodiyeti vujudga kelди. Daniel Канеман va Amos Тверскиy utkazgan tajribalar shuni kўrsatdiki, odam neoklassik nazariya taxmin qilganidek tўliq rational emas. Odam xato kognitiv qoлиplar, ҳis-tuyғular va ijtimoiy meъerlar taъsirida qarorlar қабул qiladi. “Turтки” (Nudge) nazariyasi, iйuқotishdan kўrkiш, status-kвога мойиллик va boшqa tushunchalar iqtisodiy siёsatda хam kўllana boшladi. Bугunги kunda bir қator davlatlar aҳolini soғlom ovqatlanish, pensiya jamғarmalari va energiya teжashga “majburlamay raғbatlantirish” uchun хulq-atvor iqtisodiyetining kashfiyatlariдан foydalanmoқda. Institutsonal maktab (Torstejn Веблен, Jon Коммонс, Dуглас Норт) қонунлар, аънаналар, ijtimoiy meъerlar va institutsional tuzilmalar iqtisodiy rivoжlanishga қандай taъsir қилишини ўrganadi. Норт ўзининг tadqiqotlarida tarixiy maъlumotlar asosida institutlar turli mamlatlarning rivoжlanish йulларini қандай farqlantirgani kўrsatib berди.

XXI asrning eng dolzarb muammolaridan biri iqlim ўzgarishi va atrof-muҳit degradatsiyasi yangi iqtisodiy ёндашуvarни талаb qildi. Ekologik iqtisodiyet аъnanaviy iqtisodiyet kўpinча эъtiborsiz qoldiradigan tashqi taъsirлар (eksternaliyalar), resurslarнинг tuғashi va ekotizim хizmatlarining қийmatini taхлил qилишга қaratilgan. “Kўk ўsiш”, углерод soliqлари, эмиссия savdo tizimlari – ekologik iqtisodiyetning amaliy natijalari.

Iqtisodiyet nazariyasida ғoyalar эволюцияsini kўrib чиқар эканmиз, бир muҳim қонуният kўzга tashlanadi: ҳar bir yangi maktab avvalgi maktabning kamchilik-

lariga javob sifatida vujudga kelgan va yangi tarixiy sharoitlarda yangi savollarni kўйgan. Klassik maktab bозор эркиnligini asosladi, keyнсчилик bозор muvozanatsizliklarini kўrsatди, monetarizm inflyatsiyani tushuntirdi, хulq-atvor iqtisodiyeti esa rationallikni sinab kўrdi. Zamonaviy iqtisodiy siёsat kўpinча bu maktablarning “kokteyli” ҳisoblanadi: iqtisodiy tsikl boшqaruvida keyнсча ёндашув, pul-kredit siёsatida monetarizm tamoyillarini, soliq siёsatida taklif tomoni iqtisodiyeti va ijtimoiy dasturlarda хulq-atvor iqtisodiyetining kashfiyatlari birgalikda kўllanadi.

Ayniqsa, Ўzbekiston uchun bu maktablar qimmatli аҳamiyatga эга. Mamlatimiz bозор iqtisodiyetiga ўtiш ja-raёnini davom ettirmoқda, yangi institutlar shakllanmoқda, iqtisodiy siёsat takomillashmoқda. Zamonaviy iqtisodiyet nazariyasining eng яxshi yutuqlari va Ўzbekistonning ўziga хos хususiyatlari va imkoniyatlarini bir-lashtirgan ёндашув eng samarali natijalarini berishi mumkin. Bu ўrinda shuni taъkidlash jozika, ғoyalar эволюцияsи tuxtamaydi. Bугun biz sunъiy intellektning iqtisodiyetga taъsiri, kriptovalyuta va blokчейnning mo-liya tizimini ўzgartirib yuborishi хamda iqtisodiy teng-sizlikning ўsiб boraётган muammolari bilan юzma-yuz turibmiz. Iqtisodchilarning vazifasi – bu yangi muammo-larga yangi, ijodiy echimlar topishdir.

## ЭНГ ТЕЗ ЎСАЁТГАН СОҶА

Iqtisodiyet inson faoliyatining eng tez ўsaётган soҳalaridan biridir. Aҳoli sони ўsiши va turмуш dara-jasining yuksalib boriши iqtisodiyet oldiga bir қator muammolarni kўyadi. Iqtisodiy maktablar (qarashlar) bu muammolarga javob topishga turli tomondan ёнда-ship keladi.

Ўzbekistonda iqtisodiy ўsiшни taъminlashda deyarli barcha iqtisodiy maktablar taъlimotlarining ўrni va аҳamiyati bor. Хozirgi pайtda neoklassika maktabi-ning нуфузи baland bўlib, u “iqtisodiy meйнстрим” de-ган nom хam oldi. Uning asosida individualizm va ra-cionallik ёtadi, resurslarni taқsimlash va baҳolash shaklida bозор mehanizmi muҳim аҳamiyatga эга, raқobat

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ПРОГНОЗИ: АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ЯИМ, 2025-2030



iqtisodiy ўsiш lokomotivi deb qaraladi.

Iqtisodiy va nazariy qarashlar jamiat taraқiyetining turli bosqichlarida iqtisodiy jaraёнларning хususiyati, iqtisodiyetni tartibга солиш йulлари, rational qarorlar қабул қилиш, хulq-atvor omillari, institutlar, қonунlar va ijtimoiy meъerlar, iqtisodiy ўsiшni raғbatlantirish muammolarini ўrtaga kўyadi. Ayniqsa, iqtisodiy ўsiш, kamбағallikni kisқartirish va rivoжlanётган mamlatlar uchun iqtisodiy-ijtimoiy siёsat ishlab чиқишга қaratilgan rivoжlanish iqtisodiyeti (Development economics) mamlatimizda iqtisodiy ўsiшни taъminlashda muҳim аҳamiyat kasb etadi.

2021–2025 yillarda Ўzbekistonda ЯИМ 81 foizga, жон бошига ЯИМ 65,3 foizga oшди. 2023 йил 11 sentyabrda қабул қilingan “Ўzbekiston-2030” strategiyasida 2030 йилга borib Ўzbekistonda ЯИМ ishlab чиқариш ҳажmini икки barobarга oshirishi ёки 160 milliard dollar-larga etkazish vazifasi kўйilgan эди. 2030 йилда эри-ishi mumkin bўlgan marraга 4 йил oldin – 2026 йилда эришmoқdamiz. 2024 йилда ЯИМ 115 milliard dollar bўлса, 2025 йилда 147 milliard dollarдан oшди, яъни bir йилда ўsiш 32 milliard dollarдан yuqori bўлди. Bunday yuqori suryatda ўsiш ilgari kuzatilmagan эди. Buning қator sabablari bor, albatta. Birinchidan, ikti-sodiy ўsiш mўljallangan 6,5 foizdan yuqori bўлди. Ikin-chidan, yashirin iqtisodiyetning 10 milliard dollarli legalashtrildi, яъни ЯИМга kiritildi. Uchinchidan, ЯИМни ҳisoblash metodologiyasiga bir қator ўzgarish-lar kiritildi.

2024 йil va avvalgi davrlar uchun ЯИМ Хalқaro valuta jamғarmasi tavsiyasiga kўra қayta ҳisoblandi. Natijada 2024 йil uchun Ўzbekiston iqtisodiy ҳолати 115 milliard emas, balki 121,4 milliard экани қайд etildi. Demak, bu ўsiш metodologik ўzgarishlar va ҳisobotlarni aniklashtirish bilan bogliқ holda amalga oshirildi. Chunki ЯИМга budgetdan tashqari jamғarmalar xarajatlari kiritiladigan, yangi хizmatlar va soliq organlari maъlumotlari хam ҳisobga olinadigan bўлди, ilgari faқat davlat budgeti xarajatlari kiriti-lardir.

Gap shundaki, ishlab чиқarish jaraёnidagi barcha



Нурислом ТўХЛИЕВ,  
академик

xarajat va daromadlar birorta ҳisobot bazasida ўz ifodasini topishi kerak. Albatta, bunday baza ЯИМ ҳisoblanadi. Ҳisobga olinmagan xaziralар sanoatda хam, kiшloқ хўjaligida, қuriliш va хizmat kўrsatish soҳa-larida хam bor. Yangi хizmat turлари ҳisoblanadigan kurъerlik, кейтеринг, ovqatlanish, advokatlik, yuridik хizmatlar, қarго, yuқ tashiш, vositachilik хizmatlari ilgari ЯИМга kiritilmagan ёки yashirin iqtisodiyet tar-kibida bўlgan.

Ёки kiшloқ хўjaligini oлайlik. Birgina 2024 йil-da 252 ming гektар еr maidoni auқcion orqali sotilib, ijaraга берilgan. Bu еrларни ўzlashtirish uchun шud-gorlash, суғorish, mineral ўgитlardan foydalaniшdan tashqari, yuғulik va meҳnatga ҳaқ tўlangan, eтиштирил-gan maҳsulot sotilgan. Demak, bu xarajat va daromad-lar ҳisobga olinishi lozim. Bu tўғri, haқon tajribasi-da bor amaliyet.

Ўzbekiston Prezidentining 2026 йil 26 fevralda “Mamlakat taraқiyetining 2030 йilgacha mўljallangan ustuvor йūnaliшlari doirasida isloхotlarni izchil davom ettirish va yangi bosqichga olib чиқишning қўshim-ча чora-tadbirlari tўғrisida”gi farmoni bilan 2023–2025 yillarda эришилган kўrsatkichlar va ўtkazilgan baҳolash asosida yangidan ishlab чиқilgan, 2026–2030 yillarda mўljallangan “Ўzbekiston-2030” strategiyasi tasdiqlandi.

Хўш, kelgusi besh йilда milliy iqtisodiyetimiz ҳаж-mini 240 milliard dollarгacha etkazish imkoniyatlari bormi? Ha, bor. Buning uchun nima қилиш kerak?

Buning uchun davlatimiz raҳbari Шavkat Mirziёev 2025 йil 26 dekabrda Parlamentta va Ўzbekiston хal-qiga Muroжаatnomasida taъkidlaganidek, zamonaviy texnologiyalarga ўtiш, кадрларни ilm-fan va innova-ciyalarga asoslangan zamonaviy kasblarga tayёрlash, sanoatda elektronika va elektrotexnika, biokimё va polimerlar, farmatsevtika, mashinasozlik kabi yuqori қўshimча қийmat yaratadigan soҳalarни rivoжlantirish, IT, sunъiy intellekt, fintex, konsalting, transport-lo-gistika kabi katta daromad keltiradigan servis soҳa-larini kўpайtirish, kiшloқ хўjaligida bioинженерия-dan foydalaniш, ilg’or агrotexnika va сув teжaidigan usullarga ўtiш, taъlim va tibbiyet sifatini yangi bos-qichga olib чиқиш, “yashil energetika”, чиқindisiz ishlab чиқarishga ўtiш талаb etiladi.

Bular esa yangi iqtisodiy model-larga ўtiшни талаb qiladi. Bугun innovatsion iqtisodiyet, yashil iqtisodiyet, kreativ iqtisodiyet, raқamli iqtisodiyet, cirkuляр ikti-sodiyet, шеринг iqtisodiyeti kabi yangi ishlab чиқarish model-lari yangi ўsiш nuқtalari bўlib maidonga чиқmoқ-da. Ular аъnanaviy чиқиқli iqtisodiyetga zid emas, balki альтернатив (muқobil) yangi ўsiш omillaridir.

## “СОЯ”ДАН ҚАНДАЙ ЧИҚИЛАДИ?

Bугun yashirin (хуфёна) iqtisodiyet bўйича хam талаb-lar ўzgarди. Эндilikda yashirin iqtisodiyet “kuzatil-maydigan iqtisodiyet” deb ataliб, u norasmiy, yashirin va noқonuniy turларга ажratiladigan bўлди. Kuzatilmaydigan iqtisodiyetning хуфёна deb atalgan turini aloхida ажratib kўrsatish mumkin. Mamlatimizda kuzatilmaydigan iqtisodiyet darajasi 45-50 foizdan



28 foizga pasaytirildi. Kelgusi besh йilда uning dara-jasini yanada kisқartiriladi va 23 foizga tushiriladi. Buning uchun naқdisiz tўlov ulushi 75 foizdan oшadi. Rasmiy sektorда band bўlganlar ҳozirgi 8,5 million-dan 14 million nafarга etkaziladi.

Norasmiy iqtisodiyet bu уй хўjaliklari ёки jismoniy shaxslar tomonidan rўyxatdan ўtмаган holda amalga oshiriladigan ishlab чиқarish хamda хizmat kўrsatish turidir. U oila аъзоларini meҳnatga жалb қилиш, bo-zorларни tўldirish va raқobat muҳitini kenгайтиришda muҳim аҳamiyatga эга. Shuning uchun uni legallashtirish, ЯИМга kirитishi mumkin. Bu jaraён asosan tanlama kuzatuvlar ўtkazish, soliq va moliyaviy tekshiruvlar, rўyxatga olish, litsenziyalар berish bўйича maъlumot-lar asosida amalga oshiriliши mumkin. Noқonuniy faoliyat turining йūriги boшqa. Uning makroiqtisodiy kўrsatkichlarга taъsirining nisbatan past darajasi ҳis-obga olinib, хalқaro tajribadan kелиб чиққан holda, uning darajasi rasmiy statistikaда baҳolanmaydi, яъни ЯИМ ҳажmiga kiritilmaydi. Yashirin iqtisodiyet esa ҳisobotda ataylab soliq bazasini yashirib kўrsatishdir. Bunday faoliyat turларiga nisbatan maъмурий чорalar қuriladi.

Demak, iqtisodiy ўsiшни baҳolashda turli ishlab чиқarish va хizmatlar kўrsatish xarajatlari va daromadlari aniq ҳisobga olinishi lozim. Shundagina biz milliy iqtisodiyetimizning жoriy ҳолати, ўsiш ten-dentsiyalari, imkoniyati va xaziralari tўrisida tўliq maъlumotga эга bўlamiz. Kўrinish turibdik, soҳada хali tўliқ ishga tushirilagan imkoniyat va omillar, xaziralар mavjud.

ТАВАЛЛУД

# БОТУНИНГ БОТИНИ

Кўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,  
Ёш йўллар, ёш гуллар излайман.  
Орқага тортганга ҳадям – тош,  
Ҳар чоқ мен илгару ундайман.

Ушбу сатрлар муаллифи шоир ва ёзувчи, жамоат арбоби сифатида республика маорифи, фани ва маданиятини ривожлантириш йўлида жонбошлик кўрсатган Боту – Маҳмуд Ходиев қаламига мансуб.



Боту 1904 йил 15 майда Тошкент шаҳридаги Қалдирғоч маҳалласида тўқувчи-лар оиласида дунёга келган. Дастлабки таълимни эски усулдаги мактабда олган, Москвадаги Покровский номли институт қошидаги ишчилар факультетида (1921), сўнгра Москва Давлат университетининг иқтисод факультетида таҳсил олган. У иш фаолиятини ўзи асос солган “Фарғона” газетасида бошлаб, кейинчалик бир муддат “Аланга” журналида бош муҳаррир вазифасида ишлади. 1928 йилдан то 1929 йили қамоққа олингунча Ўзбекистон Халқ маорифи комиссарининг ўринбосари сифатида фаолият юритган.

Унинг ilk шеърларида Мунаввар қори ва бошқа таниқли жадидларнинг таъсири кўзга ташланади. Дастлаб лирик йўналишда бўлган Боту шеърлятида аста-секин халқнинг озод, порлоқ келажақ учун кураши бош мотив даражасига кўтарилиб боради. “Ҳажжонланмиш”, “Кўзғалон”, “Бизнинг товуш”, “Исён”, “Уша кун”, “Ёш юрак тўлқинлари” каби шеърлари фикримизнинг далилидир.

Унинг бор-йўғи иккита китоби – “Умид учкунлари”, “Тўлқин товушлари” нашр этилган. Асарлари “Билим ўчоғи”, “Инқилоб”, “Маориф ва ўқитғувчи” журналларида эълон қилинган. “Ҳайит ҳаром бўлди” (1929), “Турсун” (1930) каби ҳикояларида эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш, зиддият ўз ифодасини топган.

Боту совет идораларида хизмат қилганига қарамай, қатагоннинг қаттол машинаси уни ва оиласини ҳам четлаб ўтмади. У 1929 йили “халқ душмани” сифатида қамоққа олиниб, Соловки оролига сургун қилинди. “Катта террор” жараёни бошланганда, унинг иши қайта кўрилиб, ҳукм ўзгартрилиши ва 1938 йил майда қатл этилади.

Совет сиёсати ақидасига қўра, нафақат “жиноятчи” балки унинг яқинлари ҳам шафқатсиз жазоланиши шарт эди. 1941 йили рафиқаси Валентина Васильева ҳам ҳибсга олиниб, 10 йил қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилинади. Ўғли Эркил Ходиевга 1942 йили ишонсизлик билдирилиб, урушдан қайтариб юборилди ва тўрт йил Ўртаовул қамоқхонасида жазо муддатини ўтайди.

Истеъдодли адиб Боту ижоди даври-мизда ҳам ўз қиймати ва қадрини йўқотмаган. Миллий адабиётимиз ривожига адибнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шу жиҳатдан бугун ижодкор хотирини ёд этиш ва янги тадқиқотлар олиб бориш муҳим масала ҳисобланади.

Гулчехра УМАРОВА



“Кўп пул топиш – жасорат, пулни сақлай билиш – донишмандлик, оқиллона сарфлаш – санъат.”

Бертольд АВЕРБАХ



Бошланиши 1-саҳифада.

Моддий фаровонлик ва маънавий юксалишни баробар олиб кетиш иложсиздай эди назаримизда.

Сўнги ўн йиллик "бизнинг кўчада ҳам байрам" даври бўлди. Мамлакатимизда китоб ўқиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, янги нашрлар ва таржималарни йўлга қўйиш ҳамда аҳоли орасида китобга қизиқишни кучайтириш, кутубхоналар ва таълим даргоҳларини касбий ва соҳавий адабиётлар билан таъминлаш, кутубхоначиларни муносиб рағбатлантириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилди. Сиз таъкидлаган касб байрами ҳам Президентимиз ташаббуси билан белгиланди. Бугун нафақат Миллий кутубхонадаги китоб, балки тизимдаги 200 дан ортиқ кутубхона ходимларида ҳам ишчан кайфият ҳукмрон.

– Миллий кутубхона отахон зиё маскани ҳисобланади. Табиийки, бу даргоҳга давлат даражасида эътибор қаратилади. Бу коммуникация, рақамлаштириш, таъминот масалаларида яққол кўринади. Худудлардаги кутубхоналар билан қандай тафовут бор?

– Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг халққа хизмат кўрсатаётганига 156 йил бўлди. Бу Марказий Осиёда биринчи ташкил этилган зиё маскани ҳисобланади. 1870 йил май ойида 2200 дан ортиқ китоб йиғилиб, кутубхона фондининг асоси яратилган эди. Бугунги кунда 8 миллиондан зиёд мабғога эга бўлиб, 14 та худудий ҳамда туман-шаҳарлардаги ахборот-кутубхона марказлари билан ягона тизимни ташкил қилади.

Етакчилиكنинг асосий шартларидан бири – барчадан илгор бўлиш ва ҳаммадан кўпроқ меҳнат қилиш. Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 1998 йилдан электрон каталогни шакллантириш бошланган. Ҳозирда бу каталог ёрдамида биз бутун дунёдан муружаат қилаётган китобхоналарга масофадан хизмат кўрсатяпмиз. Кутубхонада рақамлаштириш жараёни жадал давом этмоқда. Ривожланиш суръати худудларимиздаги кутубхоналарда ҳам тенг олиб бориляпти.

2017 йили китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Бу ҳужжат соҳага доир кейинги қарорлар силсиласини бошлаб берди. Тизимда туб бурилиш ясалди: кутубхоналар таъмирланди ёки янги биноларга кўчирилди, фонди янги адабиётлар билан бойитилди. Кутубхоначилар маошида ҳам сезиларли кўтарилиш кузатилди. Давлат раҳбарининг эътиборини кўрган вилоят раҳбарлари, турли даражадаги амалдорлар ҳам кутубхоналарга кўмак бера бошладилар.

Умумий ҳолат намунаси бўлса-да, махсус кутубхоначилик техникалари борасида Миллий кутубхонада бор имкониятлар ҳаммада ҳам мавжуд эмас. Буни тўғри қабул қилиш керак: янги технологияни олиб келиш, уни



“Шундай одамларни ахтарингки, улар билан суҳбат қуриш яхши китоб ўқиш билан баробар бўлсин. Шундай китобларни ахтарингки, мутлоаси файласуфлар суҳбатига тенг бўлсин.”

Фрэнсис БЭКОН

## 18 МАЙ – ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

Бу йил мамлакатимизда норасмий музейлар йили бўлди, десак адашмаймиз. Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Ислоҳ цивилизацияси маркази ҳамда Имом Бухорий зиёратгоҳи мажмуалари таркибиде янги музейлар ишга туширилди. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан Темурийлар тарихи давлат музейи реконструкция қилинди. Нодир кўлёмаларни рақамлаштириб, китобхоналарга тақдим этаётган Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муҳими, ушбу мазмунли музейлар бугун жаҳон аҳлини ўзига қорлаб, нуфузга танлов ва рейтингларда етакчилар сафидан ўрин олмоқда.



Барча соҳаларда бўлгани каби музейларда ҳам ихтисослашув жадал давом этмоқда. Жумладан, Навоий шаҳридаги Тоғ-кон металлургия комбинати тарихи музейи минтақанинг фойдали қазилмалар саноати тарихини ўзида мужассам этади. Умумий майдони 450 квадрат метр бўлган, учта залдан иборат ушбу музейда бир ярим мингдан ортиқ экспонат мавжуд.

Музейнинг биринчи зали неолит, яъни, мис-тош давридан темирлар ҳукмронлигигача бўлган даврни қамраб олган. Дастлаб вилоятнинг Учқудуқ туманидан топилган “Тош ўрмон” тасвири туширилган йирик полатно сайёҳларни ўзига жалб этади. Қизилқум саҳросининг ўрни бир пайтлар улкан денгиз бўлган. Вақт ўтиб сув чекинган, кейинги босқичдаги дарахтлар тошга айланган. Бу “тошдарахтлар” очик осмон ости музейини пайдо қилган.



## МАНГУЛИК МУҲРИ

– Дунё давлатларининг фақат учтасида тош ўрмон мавжуд, – дейди музей директори, “Эл-юрт хўрмати” ордени лауреати Акшагул Тулегенова. – Чили ва Болгариядан кейин бундай ноёб топилма бизда топилди. Суратни кўргандаёқ шу ўрмоннинг табиий ҳолатини томоша қилишни истайдим одам.

Зал бўйлаб юришда давом этар экансиз, Сармишсой иероглифлари тасвири, ўрдаксимсиз динозаврнинг сон суяги, мис ва темирдан ясалган қадимги қуроллар, III-IV асрларга оид қурол-аслаҳа, қилич ва ханжарларнинг аслига кўзингиз тушади.

Шунингдек, минерология илмининг отаси ҳисобланган Абу Райҳон

Берунийга бағишланган алоҳида кўрғазмада алломанинг маъдан-шўнсоликка доир асарлари ўрин олган.

Биринчи залнинг Амир Темур даврига оид экспонатлари орасида эса чўянни эритиб ишланган ҳар хил турдаги нодир буюмлар борки, бу металлургия саноати бизга янгидан кириб келмагани, бобомерос касб эканини англатади. Комбинатда узоқ йиллар фаолият олиб бориб, Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак шарафга эришган металлургия ҳақидаги маълумотлар, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган кончиларнинг исми шарифлари битилган фахрия китоби замонавий саноат шажарасини ўзида акс эттиради.

Иккинчи бўлим бир гуруҳ геологларнинг 1950 йилларда Қизилқум саҳросида йирик уран ва олтин захираларини кашф этишларидан бошланган тарихий даврни ўз ичига олган. Навоий, Учқудуқ ва Зарафшон каби шаҳарларнинг бунёд бўлиш омилларида оид манбалар, Ўзбекистон тупроғидан олинган юздан ортиқ қимматбаҳо руда намуналари, соҳани ривожлантиришга бор иқтидорини сарфлаган олимлар ҳақида маълумотлар ва уларнинг илмий ишлари баёни, комбинатни бошқарган барча раҳбарларнинг ҳаёти ва фаолияти, меҳнат қаҳрамонларининг ютуқлари, техника-технологиялар тараққиётини ёритувчи фото-кўрғазмалар қончилиқ

саноатининг ривожланиш босқичлари билан таништилади.

– “XX аср мўъжизаси” дея эътироф этилган Мурунтов очик конининг чуқурлиги 700 метрга яқинлашган, – деб маълумот беради Акшагул опамиз. – Бўйига беш, энига эса уч ярим километрни эгаллаган Мурунтов дунёда олтин захираси бўйича иккинчи ўринда, қазиб олиш бўйича эса тўртинчи ўринда турадиган жуда йирик очик қарьердир. Учтинчи залимизда унинг катта пландаги макети жой олган.

Айниқса, 270 тоннагача руда кўтарилган, гилдирагининг ўзи икки қаватли уй катталигидаги BelAZ машиналари ва бошқа баҳайбат техника воситаларининг пультлаштирилган кичик вариантлари, уларнинг ишлаш кўламига оид макет ва манбалар кўпчилигида қизиқиш уйғотиши табиий.

– Музейимизнинг иккинчи залида жойлашган мажлислар залида олий ўқув юртлири жамоаси билан ҳамкорликда конференциялар, форумлар, учрашувлар ўтказамиз, – дейди суҳбат иштирокчиси Тулегенова. – Экспонатлар тез-тез янгиланади, яъни, бойитилади. Бу ерга хорижий меҳмонлар кўп келишади. Чунки қимматбаҳо қазилма бойликлари, хусусан, олтин жозибаси кўпчиликини ўзига жалб қилганидек, юртимизнинг геологик тарихи ҳам аҳли дунёга қизиқ.

Муҳайё РУСТАМОВА

## КИТОБ КЕЛТИРГАН БАХТ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳибаси Умида ТЕСАБОВА билан суҳбат



га юклатилаяпти. Давлат ва хусусий боғчалар сони ва қамрови ортиб, оналаримизнинг ҳам кўли бўшааяпти. Хуллас, энди адабиёт, санъат, маънавият, китоб ҳақида уйлайдиган пайтлар келди.

Президентимиз халқимизни мутлоага қайтарди. Давлат раҳбари китоб ҳақида, мутлоа ҳақида бот-бот таъкидлаб тургандан кейин, ўқимай бўладими? “Ўқиб шаҳар олиб берармидинг?”, “Китоб кўлтқиқлаб юргунча, мол-қўйга қара”, дегувчи ота-оналарнинг ҳам дунёқараши ўзгариб, ўзлари ҳам китоб варақлашга тушиб кетганини кузатяпмиз.

Ёшларимизнинг ўқиши бизникидан фарқ қилади-да. Бизда анъанавий китобдан бошқа танлов бўлмаган. Бугуннинг авлоди электрон китоб ўқияпти, аудиокино тинглаяпти, керак бўлса, асарларга ишланган сунъий интеллект видеоларини томоша қилаяпти. Гарчи йигит-қизлар кўча-кўйда, жамоат транспортлари, уйда телефонга боғланиб қолгандай кўринаса-да, улар кўраётган контентлар ўзгариши. Яъни, сурат аввалгидай, моҳият эса янги. Қолаверса, бугун тил ўрганишда ҳам визуал усуллар етакчилик қилаяпти.

Ишонч билан айтманки, бугун ёшлар китоб ўқияпти. Акс ҳолда, кутубхона заллари гавжум бўлмасди, китоб дўконлари кассасида навбат ҳосил бўлмасди, ижтимоий тармоқларда ўн минглаган обуначиси бор китобхоналар гуруҳлари, буюмларнинг телеграм, инстаграм саҳифалари гуллаб-яшнамасди.

Ҳап келганда айтиб ўтай, агар ёшлар китоб ўқимаганда, биз ноёб китобларни чет эллик ҳамкорларимиздан сўраб олмасдик. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси 30 дан зиёд халқаро ташкилотлар, хорижий кутубхоналар билан ҳамкорликда ишлаб келяпти. Асосий фаолиятимиз ресурслар алмашинувидир. Китобхоналар сўровига кўра босмасини, имкони бўлмаса электрон шаклда керакли манбаларни етказиб беряпмиз.

– Янги йил арафасида мухтарам Президентимизга Янги Тошкентда бунёд этилаётган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси лойиҳасини шарҳлаб бердингиз. Бу ноёб кутубхона очилишини минглаб китобхона қатори биз ҳам интизор кутяпмиз. Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз...

– Бу тарихий ташриф бўлди. Табиийки, ҳаётимизда энг унутилмас воқеа бўлиб қолди. Бугунги кунда қарий 4 гектар майдонда Миллий кутубхонанинг янги биноси барпо этилмоқда. Иншоотда миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура ечимлари уйғунлаштирилган. Тўрт қаватли биноларнинг умумий майдони 30 минг квадрат метрдан зиёд бўлиб, бир вақтинг ўзида 1 минг 420 нафар китобхонага хизмат кўрсатиши имконини беради. Қувонарлиси, кутубхона фондидаги сақлаш, ҳисобга олиш, хавфсизлигини таъминлаш ва стерилизация қилиш учун юқори технологияли махсус хоналар ташкил этилади.

Мажмуа кўп функцияли бўлиб, халқаро ва миллий йирик кутубхоналарнинг электрон базаларига онлайн уланиш имкони яратилади. Кўзи оғиз фуқаролар учун махсус ўқуш ва тадқиқот муҳити йўлга қўйилади. Шунингдек, ташриф буюрувчилар учун 300 ўринли кафе, галерея, енгил спорт ўйинлари майдончалари ва дам олиш худудлари барпо қилинади.

Мухтарам Президентимиз ушбу кутубхона Янги Тошкентда барпо этилаётган таълим ва маърифат масканлари тизимида муҳим ўрин тутиб, ёш авлодининг интеллектуал ривожини учун мустаҳкам замин бўлишини таъкидлади. Илм-фан ва маънавиятга сармоя киритган давлатнинг иқтисодий салоҳияти ҳам барқарор ва юқори бўлиши қайд этилди. Замонавий кутубхона имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун ходимлар ахборот технологиялари ва халқаро стандартларни чуқур ўзлаштириши зарурлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳозирги биносига 2011 йилда кўчган. Ушбу бино лойиҳалаштирилганда кунига 1000 нафаргача китобхон келиши мўлжалланган. Аммо сўнгги йилларда бир кунда 2500 нафаргача фойдаланувчи ташриф буюряпти. Имкон қадар стол-стул қўйиб, шароит яратишга ҳаракат қиламиз. Аммо 2500 кишини кўпроқ билан таъминлаш ва бошқа масалаларда бино қуввати талабга жавоб беролмас экан.

Жуда кўпчилик савол беради: “Бу кутубхона-чи, бино нима бўлади, Сизлар кўчиб кетасизларми?” Жавоб сифатида “йўқ” деймиш. Президентимиз бу масалага урғу бериб, кутубхонанинг филиали сифатида қолишини айтди.

– Жадиқлар асос солган “Турон” кутубхонаси ҳақида ҳам маълумот берсангиз...

– Ушбу кутубхона ҳам Миллий кутубхонамиз тасарруфиде. Абдулла Қодирий ижод мактаби мажмуаси таркибидеги махсус бинода фаолият юритаяпти. Узоқ йиллик саргардонлиқдан сўнг кутубхона махсус қурилган, намунавий лойиҳадаги бинога эга бўлди. Китобхоналарни қабул қилиш, фондларни сақлаш ва бошқа масалалар эътиборга олинган. Ушбу маскандаги босма манбалар ҳам рақамлаштирилди.

Бугун кутубхоналарда бино, моддий-техник база деярли муаммо бўлмай қолди. Лекин яна бир нарсани айтишимиз керак, реставрация-консервация масалалари оқсайди. Кутубхоналаримизда реставрация учун махсус бўлимлар йўқ. Реставратор кадрлар етишмайди. Масалан, Туркияда китоблар хастахонаси ривожланган. Бизда ҳам реставраторлар ишлаяпти. Аммо улар Миллий кутубхонанинг эътиборидан ортамайпти. Лекин Бухоро, Самарқанд, Хоразм ҳамда “Турон” кутубхонасидаги нодир нашрлар, кўлёмалар, тошбосмалар доимий равишда реставраторларнинг текширувига муҳтож. Бу ерда фақат кутубхоначилар билан иш битмайди.

Фақат кутубхоналарда эмас, балки музейларда, архивларда ҳам шу муаммо бор. Буларнинг ечимини ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилаётган янги стратегияга киритганмиз. Умид қиламизки, масала ўз ечимини топади. Чунки биз кўп мақсадлар рўёбга чиқишига аввалбош ишонмаган эдик, аммо орзуларимиздан зиёдасига гувоҳ бўлдик.

– Ўзбекистон Миллий кутубхонаси республикада чоп қилинадиган барча босма нашрларни мажбурий нусхада олади. Бу, албатта, қонун билан мустаҳкамланган. Бу жараёнда фуқароларимизнинг, ижодкорларнинг ҳам ташаббуси борми? Zero, энг йирик маърифат кошонасида китоби бўлиши, менимча, ҳар бир ижодкорга фахр бағишлайди.

– Ҳақиқатдан ҳам, охириги икки йил ичида Ўзбекистон Миллий кутубхонасига муаллифлар, ҳомиллар ва юрдошларимиз томонидан китобларнинг ҳадяси қарвон-қарвон бўлиб келмоқда. Кунига беш-олти номдаги ўнлаб китоб кутубхонага совға қилинади.

Жуда кўп муаллифлар мажбурий нусха берилгандан ташқари, ўзлари келиб, бир неча нусхада тақдим этади. Кутубхонада тақдимотлар ўтказиш истагини билдиради. Лекин шунақа ҳолатлар ҳам бор: муаллиф берган китобнинг мажбурий нусхаси келмаган бўлади. Дарров қайси нашриётда чоп этилган бўлса, хат билан чиқамиз. Кутубхона фонди тўлдирилишида ҳеч қандай бўшлиқ бўлмаслиги керак-да.

Кутубхонага олиб келинган китоб асрлар давомида қолади. Яна бир нарсга бор, дахлдорлик ҳисси. Бугун фуқароларимиз шахсий кутубхонасидаги ноёб манбаларни, оилавий мерос сифатида ардоқлаб келинаётган китоб ва кўлёмаларни кутубхонамизга топширмоқда. Чунки қадимий манбаларни уй шароитида сақлаш вақт ўтган сари қийинлашиб боради.

Яна бир хурсанд бўладиган жиҳатимиз, юрдошларимиз бизга совға қилишдан ташқари, бир қанча китобларни келтириб, вилоятлар, туман-шаҳарлардаги кутубхоналарга етказишимизни илтимос қилишади. Улар олиб келган адабиётларни кўриб, ўрганиб чиқамиз ва етказамиз.

– Умида опа, аёл оилада ва жамиятда баравар бахтли бўлиши мумкинми?

– Бундан ўн йил олдин бу саволни берганингизда, балки узоқ ўйлаб қолардим. Бугун эса баралла “Ҳа!” дея олам.

– Унда армонингиз бўлмаса керак...

– Бор... Дадамнинг мен билан боғлиқ орзулари катта эди, оила даврасида, дўстлари билан ўтирганида: “Худо хоҳласа, бу қизим ўзимнинг изимдан бориб, ҳам илмий иш қилади, ҳам энг катта кутубхонада энг зур кутубхоначи бўлади”, деганларини эшитганман. Дадамнинг орзулари ушалди, лекин...

– Умида опа, бугунги суҳбатимиз ниҳоятда етгани йўқ. Анъананидан чекиниб, истисно тарихида, Сизга сўнгсўз бермаймиз. Қизгин мулоқотимизни Янги Тошкентдаги янги кутубхонада давом эттириш ниятидамыз. Сизга доимо ижобий қаҳрамонлар ва бахтли мурад-мақсадлар ҳамроҳ бўлсин!

Зарнигор ИБРОҲИМОВА суҳбатлашди.



## ОЛАМ ОЛИМИ



Питер ХОВИТ

Филипп АГИЙОН

Жозел МОКИР

# БЕХБУДИЙ САВОЛИГА ЖАВОБ

## излаган нобелчилар

2025 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти билан Жозел Мокир "технологик тараққиёт орқали барқарор ўсиш учун шарт-шароитларни аниқлагани" ҳамда Филипп Агийон ва Питер Ховит "креатив деструкция орқали барқарор ўсиш назарияси" учун тақдирланди.

### БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Инсоният тарихи давомида иқтисодий турғунлик кўп асрлар мобайнида одатий ҳол бўлиб келган. Фақат сўнгги икки юз йил ичида узлуксиз ўсиш кузатилди. Бу эса миллионлаб инсонларни қашшоқликдан чиқариб, замонавий фаровон жамиятнинг шаклланишига замин яратди. Лауреатлар айнан шу ўсишнинг асосий манбаи инновациялар эканини илмий жиҳатдан асослаб берди. Янги технологиялар, ишлаб чиқариш усуллари ва маҳсулотлар иқтисодиётни доимий янгиланишига мажбур қилади. Натижанда, меҳнат унумдорлиги ортиб, турмуш даражаси яхшиланади ва ҳаёт сифати ўсади.

### ЖОЗЕЛ МОКИР

1946 йилда туғилган Жозел Мокир иқтисодий тарих ва технологик тараққиёт ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилди. Унинг фикрича, инновациялар барқарорлиги учун инсон фақат "Нима ишлайди?" деб эмас, балки "Қандай ишлайди?" тарзида савол қўйиш керак. Саноат инқилобидан аввал кўплаб ихтиролар мавжуд бўлган, бироқ улар чуқур илм билан тақомиллаштирилиб борилмагани сабабли узоқ муддатли ўсишни таъминлай олмаган. Олим билим, очиқ фикрлаш ва янги гоялар учун эркин муҳит яратиш иқтисодий тараққиётнинг асосий шарт эканини кўрсатиб берди. Унинг тадқиқотлари бугунги кунда ҳам инновацион иқтисодиёт, таълим сиёсати ва технология ривожини соҳаларида муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

### ФИЛИПП АГИЙОН ВА ПИТЕР ХОВИТ

Икки олим 1992 йилда иқтисодий ўсишнинг машҳур "ижодий вайронкорлик" моделини ишлаб чиқди. Унга кўра, бозорга янги ва самарали технология кириб келганда, эски технологияга таянган компаниялар рақобатда ютқазади. Бу жараён "ижодий", чунки у янгилик ва тараққиёт яратди. Шу билан бирга, у "вайронакор" ҳамдир. Зеро, эски ишлаб чиқариш тизимлари бозордан чиқариб юборилади. Олимлар ушбу жараён иқтисодий ўсиш учун зарур эканини, аммо у жамиятда зиддиятлар ҳам келтириб чиқаришни таъкидлайди. Агар давлат ва институтлар инновацияларни қўллаб-қувватламаса, ўз манфаатини йўқотишдан қўрққан катта компаниялар тараққиётни секинлаштириши мумкин.

### ДОЛЗАРБЛИГИ

Лауреатларнинг ишлари сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт ва биотехнологиялар жадал ривожланаётган даврда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Уларнинг назариялари инновациялар фақат технология эмас, балки иқтисодий эркинлик, рақобат ва очиқ илм-фан муҳити билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканини кўрсатади. Мукофот кўмитаси раиси Жон Хасслер таъкидлаганидек: "Иқтисодий ўсиш ўз-ўзидан кафолатланмайди. Жамият инновация ва иждоий вайронакорлик механизмларини сақлаб қолиши лозим. Акс ҳолда инсоният яна турғунликка қайтиши мумкин".

### ХУЛОСА

Улуғ жадид Маҳмудхўжа Беҳбудий 1913 йилда матбуотда "Миллатлар қандай тараққий этарлар?" деган масалани кўтарган эди. Орадан бир аср ўтиб, Нидерландия, Франция ва Канада фуқаролари бўлган уч профессор ушбу саволга иқтисод соҳасида жавоб топишга ҳаракат қилди ва буни уддалади ҳам.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

## ФИКР

# ҚАДИМ ҚИШЛОҚ НОМИНИ ҚАЙТАРАЙЛИК!

Ўз тарихий номини табиий равишда йўқотадиган, шунингдек, субъектив тарзда йўқотиладиган географик объектлар мавжуд. У ёки бу жойнинг ўша ерда яшовчи аҳоли томонидан турли сабаблар билан ташлаб кетилиши ва бора-бора номнинг истеъмолдан чиқиши унинг унутилишига ва шунга мувофиқ равишда тарихий топонимнинг ҳам йўқолишига, бунинг ортидан эса ушбу жой билан боғлиқ тарихнинг барҳам топишига сабаб бўлади. Субъектив равишда йўқоладиган жой номлари шу маконда истиқомат қилаётган аҳоли талаби ва ҳукумат қарорлари билан тарихий топонимнинг бошқа ном билан алмаштирилиши оқибатида юз беради.

Тарихий топонимни бошқа ном билан алмаштириш ҳолатлари совет сиёсатидан қолган "мерос". Урта асрларда камдан-кам жой номи бирор-бир ҳукмдор фармони, қарори, оғзаки ёки ёзма топшириги билан шакллантирилган ёки алмаштирилган. Шундай қилинганда эди, бизгача етиб келган тарихий жой номларида қанчадан-қанча чалқашликлар юз берган бўларди. Жой номларининг пайдо бўлиши, трансформацияси, яшовчанлиги ҳеч кимнинг аралашувисиз содир бўлиб келган табиий жараён ҳисобланади. Янги пайдо бўлган аҳоли пунктларида ном бериш эса бундан мустасно.

Дунёнинг кўплаб гуманитар таълим муассасаларида тарихий топонимларни ўрганадиган ва ўргатадиган соҳалар, тадқиқот натижаларини эълон қилиб борадиган нуфузли илмий журналлар мавжуд. Топонимикада давлат сиёсати акс этади ва у бир жиҳатдан давлат сиёсатининг тарғиботчиси ҳамдир. Топонимиканинг ушбу жиҳатини биз чор империяси ва совет даврида бошимиздан кечирдик. Кўплаб маҳаллий, тарихий жой номлари русча, советча номлар билан алмаштирилган. Масалан, Черняевка, Скобелев (Фарғона), Солдатская (Тошкент вилоятидаги Қуйи Чирчиқ тумани марказининг советча номи), Свердлов (Бухоро вилоятидаги Жондор туманининг советча номи), Советская (Бухоро шаҳрида-

ги Арабон кўчасининг совет давридаги номи), Физкультурная (Бухоро шаҳридаги Хўжа Булғор кўчасининг советча номи)... Яна юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

Тарихий топонимларни замонавий ёки бошқа мувофиқ деб топилган номлар билан алмаштириш жараёни, афсуски, ҳамон давом этмоқда. Истиқомат қилаётган аҳолининг жой номини алмаштириш тўғрисидаги истак ва талабларини инобатга олиш тегишли меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Бироқ масаланинг маънавий-маърифий жиҳатлари шундай ноўрин талабларни илгари суришдан воз кечиш керак эмасмикан, деган фикрга чорлайди.

Келинг, гапнинг индаллосига ўтайлик. Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги асрлар давомида "Харғўш" деб аталиб келган жойнинг бугун кутилмаганда "Хайрхуш"га айланишини қандай тушуниш мумкин?

Бу эски номни янгилаган маъмурлар тез фурсатларда содда халқ орасида сохта этимологияни ҳам тарқатиб улгуришиди. Нима эмиш, Хोजа Абдуҳолиқ Ғиждувоний хузурларига борсалар, муридлари ана шу қишлоққача кузатиб келар, Хोजа Баҳоддин Нақшбанд Хोजа Абдуҳолиқ Ғиждувоний хузурларига борсалар, пирлари Ғиждувондан шу қишлоққача у зотни кузатиб келар ва ҳар гал шу ерда хайр-хўш қилишар экан...

Ғиждувоний милодий 1103 йили туғилиб, 1179 йили вафот этган. Нақшбанд у кишидан нақд 215 йил кейин, яъни 1318 йили туғилиб, 1389 йили вафот этган-ку. Улар қандай бир-бирларининг хузурларига бориб келишадими?

Бу ғайриилмий версия. Халқ асрлар мобайнида бу жойни "Харғўш" атайди. Бу сохта этимология "хайрхуш" сўзининг талаффуз қилиниши жиҳатидан ўзига ўхшаш ёки яқин бўлмаган "харғўш"га айланиб қолганини илмий изоҳлаб бера олмайдими. "Харғўш" атамасининг тарихийлиги ҳеч қандай ортиқча исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бу ном ўша худуднинг табиий, географик, гидронимик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўйилган.

Зарафшон дарёси ҳозирги Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани билан Бухоро вилоятининг Вобкент тумани

чегарасидаги Дуоба деган жойда иккига бўлинган. Шу ердан тўғрига оққан сув "Шохруд", ўнга қараб оққан сув "Қорақўлдарё" дейилган. Ана шу Қорақўлдарёнинг чап қирғоғига яқин ерда Харғўш қишлоғи жойлашган.

Қадим-қадимдан ҳар қандай дарёнинг икки қирғоғидаги анча-мунча жой бўш қолдирилган. Яъни, у ерга уй-жой солиш, экин экиш мумкин бўлмаган. Чунки дарё тўлиб-тошиб оққан маҳалларда ҳар қандай уй-жой ва экинзорни босиб кетади. Дарёнинг икки қирғоғи одатда юлғунзору чимзору тиканзорга айланган. Маҳаллий халқ бундай жойларни "адоқ" дер эди. Бу "обод, яъни, яшаладиган, экин экиладиган жойнинг адоғи, яъни охири", деган маънони аниқлаган. Қорақўлдарёнинг икки қирғоғидаги адоқ то Аму-Бухоро канали ўтказилган давр, яъни ўтган аср 60-йиллари ўрталарига қадар борича сақланган эди. Кейин ўзлаштирилиб, экинзорларга айлантирилди. Адоқларда ёввойи табиат, жумладан, хайвонлар кўпайиши учун жуда қулай имконият бор эди. Бу худудларда яқин-яқинларгача шоқол, товушқон, яъни ёввойи қўён ва тустовуқлар жуда-жуда кўп эди.

Тахмин қилиш мумкинки, мазкур қишлоққа "Харғўш" деб ном қўйилишининг асосий сабаби шуки, бу ерда бир пайтлар товушқон жуда кўп бўлган. Тожик тилида товушқон "харғўш" дейилади.

Товушқоннинг қулоғи катта-катта бўлгани учун халқ унга шу номни берган. Чунки "хар" сўзининг бир маъноси "катта"ни англатади. Масалан, катта тош "харсанг" дейилади, "санг" "тош" маъносини англатади, вассанинг каттасини "харвасса" дейишади.

Харғўш қишлоғи 2018 йилгача расман шу ном билан аталиб келган эди. 2018 йилдан бошлаб унга "Пахтакор" номи берилди, 2020 йил сентябрдан бошлаб эса "Хайрхуш" деб яна ўзгартирилди. Харғўш қишлоғи номини "Хайрхуш" номига ўзгартириш тарафдорлари тожикча "харғўш" қўшма сўзидаги "хар" омонимини ўзларича "эшак" деб тушуниб, ундан "эшакнинг қулоғи" маъносини чиқаришган. Буни, табиийки, қишлоқ аҳли учун ҳақорат, деб ҳисоблашган.

Ўрни келганда айтиб ўтайликки, мумтоз ўзбек тилида "товушқон" сўзи

ҳам, "харғўш" сўзи ҳам бир маънода ишлатилмаган. Буюк Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонидидаги бир байтнинг ўзида ҳам унисини, ҳам бунисини ишлатади:

*Товушқон уйқуси андин олиб ҳуш,  
Соғиниб дилбаридин хоби харғўш.*

Харғўш – Бухоронинг узоқ ўтмишга эга тарихий қишлоқларидан. У шариф шаҳар атрофидаги муҳим иқтисодий ва маданий марказлардан ҳисобланган. Энг муҳими, бу қишлоқдан таниқли олимлар етишиб чиққан. Манбаларда бу қишлоқ номи қадимий топоним сифатида кўп учрайди.

Жумладан, Харғўш X-XX аср тарихчи-географлари, Хатиб ал-Бағдодий, Абдулқарим ас-Самъоний каби ўнлаб муаррихларнинг тарихий асарларида зикр этилган.

1841-1842 йиллари Чор Россияси офицери Константин Бутенёв бошчилигидаги миссия таркибида Бухоро амирига сафар қилган рус шарқшуноси Николай Ханьков (1819–1878) эса ўзининг 1843 йили нашр этилган "Бухоро хонлиги тавсифи" китобида Бухоро атрофидаги Харғўш қишлоғида ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари бозор бўлишини маълум қилган.

Булардан ташқари, бадиий адабиётда ҳам Бухоро атрофидаги Харғўш қишлоғи номи эслатилади. Жумладан, Бухоро диёридан етишиб чиққан машҳур ёзувчи Садриддин Айнийнинг "Судхўрнинг ўлими" қиссасида асар қаҳрамони Қори Ишқамбаннинг қардорларидан пул ундирилгач, тилмоқ билан суд ижросининг Харғўш қишлоғидаги ишларни ҳам битириб олиш учун ўша ёққа жўнаганликлари айтилади.

Демак, тарих ёзма шаклда қишлоқнинг асл номини тасдиқлаб турибди. Биз Бухоро вилоятининг жой номларини қайд этгиш ва тартибга солишга мутасадди шахсларни "Хайрхуш қишлоғи" деган сунъий номдан воз кечиш, бу жойни яна қайтадан "Харғўш қишлоғи" деб расмийлаштиришлари зарур, деб ўйлаймиз.

Султонмурод ОЛИМ,  
профессор

Ҳалим ТўРАЕВ,  
профессор

Комилжон РАҲИМОВ,  
профессор

### ЖАҲОН АЙВОНИДА

#### ТРАМП ХИТОЙДА


АҚШ президенти Дональд Трамп расмий ташриф билан Хитой пойтахтига етиб келди. Бу Америка етакчисининг 2017 йилдан буён Пекинга амалга оширган илк ташрифи-дир. Ўшанда Трамп президентлик сайловларидаги ғалабасидан сўнг ушбу мамлакатда меҳмон бўлганди.



Дональд Трамп ва Хитой раҳбари Си Цзиньпин ўртасидаги музокаралар икки кун давом этади. Учрашувнинг диққат марказида АҚШ ва Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқалар бўлади. Экспертлар ушбу музокаралардан "кескин ўзгаришлар"ни кутмаяпти.

#### ЁНИЛҒИ БУТКУЛ ТУГАДИ

Куба энергетика ва кончилик вазирлиги Виценте де ла О 13 май кунини



мамлакатда дизель, мазут ва хом нефть захиралари умуман қолмаганини эълон қилди. Бу ҳақда "ВВС" хабар берди.

АҚШ томонидан ўрнатилган нефть блокадаси туфайли пойтахт Гаванада сўнгги ўн йилликлардаги энг оғир электр узиллишлари кузатилмоқда.

#### МИТИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЖАЗО

Россия Давлат Думаси хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатдан чиқариб юборишни кўзда tutувчи қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.



Унга кўра, рухсат этилмаган митингларда қатнашган ҳамда Россия армиясини обрўсизлантирган хорижликлар депортация қилинади. Бу ҳақда "Deutsche Welle" хабар берди.

Россия ҳукумати ушбу қонун лойиҳасини март ойида таклиф қилган эди.

#### ВИЗАСИЗ МУДДАТ ҚИСҚАРИШИ МУМКИН

Таиланд Ташқи ишлар вазирлиги чет эллик сайёҳлар учун визасиз қолиш муддатини 60 кундан 30 кунгача



қисқартириш режасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади, деб ёзмоқда "Reuters".

Ҳукумат 2024 йил июль ойидан бошлаб 93 та давлат, шу жумладан, Ўзбекистон сайёҳлари учун визасиз даврни белгиллаганди.

#### ҚАМЧИБЕК ТАШИЕВ ИШИ

Қирғизистон Бош прокуратураси Қамчибек Ташиевга нисбатан қўзғалган жиноят иши бўйича айблов далолатномасини тасдиқлади.




"Kaktus.media" хабарига кўра, бу ҳақда адвокат Икромидин Айтқулов ижтимоий тармоқлардаги саҳифасида маълум қилди.

Ҳимоячининг сўзларига кўра, Ташиев ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллашга тайёргарлик кўриш ва мансаб мавқени суиистеъмол қилишда

айбланмоқда. Иш мазмунан қўриб чиқиш учун Бишкекнинг Первомайский туман судига юборилган. Иш бўйича жами саккиз нафар айбланувчи, жумладан, Ташиевнинг ўзи ҳам бор.

#### МАКТАБДА ТЕЛЕФОН ИШЛАТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Қозоғистон мактабларида дарс вақтида, ҳаттоки танаффусларда ҳам смартфонлардан фойдаланиш тақиқланиши мумкин.



Педагог мақоми ва таълим масалаларига оид қонун лойиҳаси мамлакат Олий Мажлиси Парламенти томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

#### ЯНА БИР ТАҚИҚ

Москвага қилинган ҳаво ҳужумлари оқибатларини расм ва видеога олиш, улар ҳақида матн ёзиш тақиқланди. Бу ҳақда шаҳар мэрига таяниб "Интерфакс" хабар берди.

Тегишли қарор Антитеррор комиссияси томонидан "фейк хабарлар тарқалишининг олдини олиш" мақсадида қабул қилинган. Чекловлар алоҳида қарор чиқарилгунга қадар амал қилади. Тақиқ Россия Мудоффа вазирлиги, Москва мэри ва шаҳар ҳукумати расмий сайтларида эълон қилинган маълумотларга таъбиқ этилмайди.



## МОЗИЙДАН САДО

Ўтган асрнинг 60-йиллари адоғида таниқли адабиёт-шунос Матёқуб Қўшжоновни хоразмлик бир киши йўқлаб келади. Юпунгина кийинган, кўзларида қайғу аломатлари муҳрланиб қолган бу одам ийманибгина ўзини Қурбон Қўтлимуртов деб таништиради ва таширфидан мақсадини айтишдан олдин эски матога ўралган бир неча қалин дафтарларни олимнинг олдида қўяди.

Олим муқоваси титилиб кетган дафтарлардан бирини очиб, “Қурбон” (роман) деган сўзларни ўқийди ва қаршисидан мунгайиб ўтирган одамга савол назари билан қарайди. “Мен Матёқуб оғани 1942 йилда Харьков шахридаги заводда кўрганман. У билан бир ҳафтача бирга бўлдим. Унинг елкасида “С.Ю” ёзуви белги туширилган кийим бор эди. “С.Ю” белгиси “совет иттифоқи” дегани. Бу тамғали кийим кийишга мажбур қилинган асирларнинг аҳоли жуда оғир эди. Авайлаб-асраб келаётган шу дафтарларни ўшанда менга берганди...”

Таниқли адабиётшунос олим ноғох таширф буюрган одам тақдим қилган кўлэмалар муаллифи бошига тушган қисматни дарров англайди (академик олимнинг ўзи ҳам дахшати урушда қатнашган эди) ва атрофда бир қараб қўйган: “Буларни ҳозир чоп қилиб бўлмайди. Майли, ўқиб кўраман... вақти келар”, дея олади, холос. Олим Матёқуб Абдуллаевнинг урушдан олдин нашрдан чиққан илк романини ўқиганди ҳам... Хўш, урушда ва асирликда бир эмас, икита роман қоралаган, аммо икки асарини ҳам ниҳоялай олмаган, бор асарлари ҳалиям нашр юзини кўрмаган ёзувчи ким эди?

Ичан қалъа дейилганда, дарров кўз олдимизга қадим Хива келади. Ёш жиҳатидан Хивадан улғурок бўлган Ҳазораслда ҳам Ичан қалъа бўлгани, борлигини эшитганмисиз? Ўтган асрнинг бошларида – токи ўттинчи йилларга дуров эл орасида Сулаймон қалъа, Дев солган қалъа номи билан машҳур, ҳозирда ҳам харобалари осмонга буй чўзиб турган қадим қалъанинг Ичан ва Дишан қалъа аталмиш мавзелари бўлган. Қалъадаги миноралар, осмонўпар мадрасаларни чор ҳукумати босқини вақтида атай тўпдан отиб, яқсон қилишган. Айнан Ичан қалъа қисмида яшовчи хунарманд Матёқуб ака 1910 йилда туғилган ўғлига Муҳаммад Ёқуб деган исм танлайди. Кейинчалик совет мафқураси таъсирида бу исм ҳам “ихчамлашиб”, Матёқуб кўринишини олган.

Матёқуб эски мактабда саводини чиқаради, сўнг жадидлар очган янги-ча мактабда ўқийди. Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларида адабиётга қизиқади, кичик-кичик ҳикоялар ёзишни машқ қилади. Унинг илк машқлари ўша даврдаги вақтли матбуотда чоп қилинади, ўзи ҳам бир муддат воҳода чоп қилина бошлаган “Инқилоб куёши” газетасида адабий ходим бўлиб ишлайди. У ўзига Равшан тахаллусини танлагани ҳам беҳиз эмасди. Равшан – ёруғлик келмоғи, юрти овоз бўлишини ич-ичидан истагани фидоси бу! Жадидлар ҳаракати таъсирида ёзган илк асарлари маърифат-маънавият мавзуларида бўлиб, уларда ёшларни илм олишга чорлов, эскилик сарқитларига қарши

## ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Жадид даври ҳикоячилигини ўрганар эканмиз, Маҳмуд Субой номига дуч келамиз. У ким эди? Профессор Шодмон Ҳайитов ва Камол Раҳмоновнинг “Маҳмуд Субой (Субай) ким эди?” мақола-сида ёзилишича, Маҳмуд Субой “Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топган дастлабки йилларда Маориф ноzirлигининг умумий ишлар бўлими мудири лавозимига тақлиф этилган”. У рус, араб, форс ва туркий тилларни пухта билган.

Қозон маърифий ва адабий муҳитида вояга етган Маҳмуд Субой 1921–1923 йилларда “Бухоро ахбори” газетасида илмий-маърифий йўналишдаги мақолалари билан фаол иштирок этган. Унинг “Юзни ювмоқ билан оқартирмоқ каби қалбни-да ўқимоқ билан оқартирмоқ керак”, “Мактаб фақат хат саводсизлики битиртургон бир ху-



кураш ва, албатта, озодлик ғоялари очиқ ва яширин тарзда – қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатлари, ўзаро гурунгларида англашилади.

1924 йилда қадим воҳода бошланган озодлик ҳаракатини боштириш учун советлар Шайдаков кўмондонлиги остида катта қўшин юборади. Замонавий қуролларга эга қўшин воҳани “босмачилардан тозалаш” ни айнан Ҳазораслдан бошлайди. Қалъа биқинидаги пахта тозалаш заводига ўрнашиб олган ватанпарвар йигитлар кўпсонли душманга бир ҳафтача қаттиқ қаршилик кўрсатади. Ичан қалъадаги пастақина уйига бекиниб олган Матёқуб ака фарзандлари тўхтовсиз ўқ товушларидан кўрқмасин, деб уларнинг қўлоқларига пахта тиқиб қўяди...

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари иккинчи ярми ва ўттинчи йилларида буюк жадид Абдулла Қодирий яратган “Уткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари шу қадар машҳур бўлганки, уни кўни-қўшнилар тунлари чироқ ёруғида саводли инсонларга тонгача ўқитиб, хайратга тушган, кўзларига ёш келган. Ҳатто буюк ёзувчи қатагонга учраб, асарлари тақиқланган замонларда ҳам бу китобларни кафтда чўғни тутгандай асраган инсонлар бўлган.

Миллий адабиётимизда яратилган илк эгизак романдан илҳомланган Матёқуб Абдуллаев ҳам роман қоралаш ҳавасига тушади. Унинг “Қилич” номи илк романи чоп қилиниб, адабий доираларда анча баҳсу мунозараларга сабаб бўлади. У ўша даврда русум бўлган, совет мафқурасига мос “курашда икки тўлқин” мавзусида эмас, ҳарбийлар ҳаётидан роман ёзишни орзу қилади. Бу – ўша болаликда бир ҳафта қўлоқларига эшитилган “қарс” иллаган ўқ товушлари таъсиридандир, балки – қайдам.

1937 йиллар қатагонини, қанча-қанча ҳаммаслақлари тунлари олиб кетилиб, тақдирлари не кенгандан беҳабар оила аъзолари ҳукумат идоралари эшикларидан сарсон-саргардон бўлганини ўз кўзи билан кўрган, яқинлари бошига тушган мусибатни аритиш умидида уларга аризаю илтимоснома ёзиб берган ва ўз бошида ҳам қора булутлар пайдо бўлишини англаган 29 яшар йигит ҳарбий хизматга бориш ҳақида кўнгилли бўлиб ариза ёзади. Бу билан у ўз бошини омон сақламоқ, насиб қилса романлар ёзишни орзу қилгандир, эҳти-

## МАҲМУД СУБОЙ КИМ?



нархона эмасдур. Мактаб ҳақиқий маъноси ила инсон чикратургон олий мақсадли буюк бир муассасадир” сингари теран фикрлари эътироф этилади.

1921 йилда Бухоро ҳукумати то-

лармаган. Матёқуб Абдуллаев айна шу даврда “М.Равшан” тахаллуси билан “Қурбон” романини тамомлаган ва “Балиқчи қиз” драмаси устида ишлаган.

Ниҳоят, уруш тугайди. Ўз ихтиёри билан асир тушмаган, совет дохийлари йўл қўйган хатолар, кўмондонлик таркибидаги ношуд ҳарбийлар хиёнати туфайли тўрт йилдан ортиқ ёт улқаларда асирликда бўлган Матёқуб Абдуллаев оила бағрига қайтади. Аммо кўп ўтмай ГПУ ходимлари уни ҳибсга олади ва Олмаота шахрида суд қилиб, йигирма беш йил қамоқ жазоси бериб, Сибирга жўнатади. Матёқуб Абдуллаев тақдирга тан беради, бошқа қисматдошлари қаторида Сибир ўрмонларида оғир шароитларда оғоч кесишга маҳкум бўлади. Кун бўйи оғир меҳнатдан чарчаган қисматдошлари уйқуга кетиб, вақт ва маконни бир зум унуттишга уринган кезларда, у “Қон” номи янги романи қораламалари устида ишлашга ўзида куч топади.

Афсуски, Матёқуб Абдуллаевнинг қачонлардир бу асарларини чоп қилиш орзулари амалга ошмайди. Тизза бўйи қорға бурканган ўрмонда ёғоч кесиб юришганда, тўсатдан бошқа бир маҳбус кесган улкан дарахт унинг устига қулайди... У ҳибсхоналардан бириди омонат қабиристонга дафн қилинади. Тунлари қоралаган кўлэмалари назоратчилар қўлига тушади...

Унинг тақдирдоши, таниқли шоир Хушуд Абдулла (Отабой Абдуллаев) ўтган асрнинг 30-йилларида воҳадан етишиб чиқаётган ёш ижодкорларнинг энг иқтидорлиби ҳисобланган. Ўн уч ёшидан бошлаб ёзган шеърлари вақтли матбуотда мунтазам эълон қилиниб, адабий доиралар назарига тушади. 1937 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўтказган ёш ижодкорлар анжуманида шеърлар тўплами муҳокама қилиниб, наشريётга чоп қилиш учун тавсия этилади. Аммо фронтга кўнгилли бўлиб кетган Хушуд Абдулла тақдирига генерал Власов армияси қизил хизмат қилиш ёзилган эканки, 1942 йилда бу армия салкам тўрт юз минг аскар билан душманга тўлиқ асир тушади. Хушуд Абдуллаевнинг юрт, шарқона қадриятлар, инсоний муносабатлар мавзуларидаги шеърлари Берлинда чоп қилинган “Миллий адабиёт” журналида мунтазам босилиб турган. Унинг лирик шеърларини иборат “Юрак тўлқинлари” номи илк тўплами ҳам Берлинда нашр қилинган.

Кейинчалик Хушуд Абдуллаев ҳам Матёқуб Абдуллаев каби 1945 йилда 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, Сибирга юборилади. Куни битмаган экан, 1954 йилда Сталин вафотидан сўнг қамоқдан озод қилиниб, Хоразмга қайтади. У юртга қайтган, кўп йиллар давомида Урганч шаҳар маданият уйида бўлим мудири, вилоят театрида адабий эмақдош вазифаларида ишлайди. Унинг ғазаллари ва лирик шеърлари хонандалар томонидан қўшиқ қилиб қуйланади ва ҳамон қуйланмоқда. Шунингдек, у театрга ишлаётган вақтида бир қанча саҳна асарлари яратади. Аммо...

Воҳалик таниқли шоир Матназар Абдулҳаким бир гал афсус билан шундай деганди: “1980 йилда КГБнинг вилоят бошқармасига чақириб, кўлимга бир хатжилд топшириб, “Шунга хулоса ёзиб беринг”, дейишди. Хатжиллда иккита драма кўлэмаси бор экан. Уларни ўқиб чиқдим ва айрим жўзий камчиликларини кўрсатиб, “Бу драмалар саҳналаштирилса, ёшларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашга хизмат қилади”, деган мазмунда хулоса ёзиб бердим. Хатжиллда муаллиф исми-шарифи кўрсатилмаганди. Муסיқали драма қаҳрамонлари қуйлайдиган ариялар қадим шеърятимиз анъаналарига мос ва халқона ёзилганди. Аммо негандир бу асарлар саҳналаштирилмади. Орадан ўн йиллар ўтгач, та-содифан Хушуд Абдулла домлани эиберат қилгани борганимда, у киши: “Матназар, раҳмат сенга ижобий хулосанг учун!” деб қолди. Билсам, мен ижодий хулоса берган драма муаллифи Хушуд Абдулла экан. Нега бу драмалар саҳнага қўйилмагани ҳақидаги саволимга у киши: “Мен бир умр қора рўйхатга кирган одамман. Шеърларимни газеталар минг ҳадик билан босишади. Шеърий тўпламим йигирма йилки наشريётда ётибди”, деб жавоб берди. Бу ижодкорнинг бор айби нопок тузумда бевақт туғилгани эди”...

Хушуд Абдулла 1995 йили вафот этди. Юртимиз мустақилликка эришган, вақтли матбуотда истиқлолни улғулловчи бир қанча шеърлари чоп қилинди. Қизиги, ўша шеърлари ярим аср илгари ёзилган. Берлинда нашр қилинган ягона тўпламидан жой олган шеърлари эди. Дарвоқе, шоир ийманибгина таҳририятларга тақдим этган айрим шеърлари бошқа муаллифлар номидан ҳам эълон қилинган. Ҳатто қадим воҳа ҳақидаги шеърини кўпчилик ҳали ҳамон ўзга муаллиф қаламига мансуб, деб билади. Қачонлардир “халқ душмани” тамғаси урилган шоир ўз асарлари бошқа кимсалар томонидан ўғирланганида, қўл силташдан бошқа чора топа олмаган. “Майли, кимнинг номидан бўлса-да, чиқди-ку. Адабиёт мухлисларига маъқул келса бўлди-да”, деб овунган у инсон...


Инсоннинг қачон, қай маконда туғилиши ўзига боғлиқ эмас. Ўз тақдирини ўзи яратишга уриниши манфур сиёсат томонидан чекланиши, ҳатто жисмонан йўқ қилиниши ҳам мумкин. Ширин орзулари армонларга айланади, тарих ўйингоҳларида кўмиб ташланган бу инсонлар руҳларига тасалли беришга яраймиз, холос.

Йигирманчи асрнинг энг қонли фожиаси – икки сиёсий куч ўзаро келиш олмай келтириб чиқарган дахшати уруш тугаганига саксон йилдан ошди. Юртимизда бевосита урушда иштирок этган инсонлар санокли қолган. Ўша давр қийинчиликларини ўз бошидан ўтказган, уруш ортида ғалаба учун тун қўн меҳнат қилган инсонлар ёши ҳам тўқсонга бориб қолган. Лекин уруш қолдирмаш асоратлар ҳалиям захрини йўқотмаган. Юқорида ҳикоя қилинган икки инсон тақдирини бунга яққол мисолдир.

Рўзимбой ҲАСАН

Холиёр САҒАРОВ

## АЗИЗ ХОТИРА



## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Аминжон Зиёвуддинов – 1890 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг топшириғига кўра қишлоқлардаги аъзолар билан алоқа боғлаш учун борганликда, улар билан йиғилишлар ўтказиб, ташкилот раҳбарлари кўрсатмаларини етказганликда айбланган. Ҳибсга олинган вақтда илмий ходим бўлган. 5247-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

Мулла Мамажон Тожибоев – 1880 йили Марғилон шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинганга қадар имомлик билан машғул бўлган. “Шўро Исломи” ташкилоти аъзоси сифатида аксилинқилобий тарғибот билан доимий равишда шуғулланган. Фарғона водийси бўйича аксилинқилобчи, исёнчилар билан яқиндан алоқада бўлганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган.

Шариф Юсуфбоев – 1870 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинганга қадар нафақада бўлган. Нафақагача савдогарлик қилган. Архив ҳужжатларида “Шўро Исломи” ташкилоти аъзоси сифатида қайд этилган. 1927 йили сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1934 йилдан 1937 йил 1 октябргача Куйбишев номи маҳалла масжидида имомлик қилган. Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1938 йил 5 апрелдаги қарорига биноан “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлгани учун 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. 1962 йил 20 июнда реабилитация қилинган.

Музаффар Мақсудов – 1895 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Бухоро филиали аъзоси бўлган. Файзулла Ҳўжаев ва бошқалар билан яқин алоқада бўлганликда айбланиб, 4798-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган.

Убайдулло Сулаймонов – 1884 йили Андижон шаҳрида туғилган. Собиқ мирбоши. 1929 йил 6 ноябрда “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси ўлароқ ЎзССР Жиноят кодексининг 58-моддаси 10-банди билан айбланиб, ҳибсга олинган. 1931 йил 25 апрелдаги суд коллегияси ҳукми асосида 10 йиллик қамоқ жазоси билан қонцагагерга юборилган.

Абдурахим Тўхтабоев – 1898 йили Наманган районидан туғилган. Тўрақўрғондаги рус-тузем мактабда ўқиган. 1918 йилдан 1923 йилгача РКП(б) аъзоси бўлган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, турли миш-мишлар тарқатганликда, “Қизил Ўзбекистон” газетасида ёзувчи Чўлпон ва Жулқунбойнинг мақолаларини тарқатганликда, “Совет ҳукумати ўзбек зиёлиларининг энг яхшиларини қамоққа олмоқда ва мустамлакачилик сиёсатини юргизмоқда, совет лавозимларига ўзбек халқини эзаётган руслардан қўйилмоқда”, дея ташиқот қилганликда айбланган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзолари Мўмин Рафиқов, Ином Низомбоев ва бошқалар билан яқин алоқада бўлгани, жадидлик ҳаракатида фаол иштирок этгани, Файзулла Ҳўжаевни мақтагани, уйдан “Уткан кунлар” китоби топилгани учун 1937 йил 14 ноябрда ҳибсга олинган. Бу вақтда тайёрлов пунктида ишлаётган Абдурахим Тўхтабоев қўлоқ, жадидлик ҳаракати иштирокчиси, “Миллий иттиҳод”нинг собиқ аъзоси сифатида қораланган. Шундан сўнг у ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 17 ноябрдан ҳисобланган. 1958 йил 28 февралда реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲҚАМОВ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА, тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

чи ҳамдир. Бухорода яшаб, ишлаган кезларида унинг “Абуваражон”, “Ҳикоялар”, “Кичик ҳикоялар” китоблари чоп этилади. У илмий-публицистик, бадиий асарлар ёзиш билан бирга, рус, турк, араб, форс тилида ёзилган асарларни ўзбек тилига таржима қилган.

Бухоро ҳукумати тугатилганидан кейин Самарқанд ва Тошкентда ишлаб, “Билим ўчоғи”, “Маориф ва ўқитгувчи” каби журналларда ўнлаб мақола, бадиалар эълон қилган. 1925–1928 йилларда “Маориф ва ўқитгувчи” журналида “Омонат”, “Шифоли сув”, “Тиланчи”, “Турмуш ва келин”, “Турмуш ва ўлим”, “Чин ва ёлғон”, “Асосли асос”, “Инқилоб манзаралари”, “Ўзгарош вақтида”, “25-октябрь”, “Тарихий кунлар” каби ҳикоялари эълон қилинган.

Муаллифнинг таваллуди ва вафоти ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган.

Холиёр САҒАРОВ



## ЯНГИ НАШР

## “АЙТАЙ ЮРАГИМДА БОРИНИ”

Ўзбекистон халқ шоири Хусниддин Шариповнинг Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида “Танланган асарлар” сериясида нашр этилган янги китобда шундай сатр бор: “Дўстлар, айтай юрагимда борини”. Дарҳақиқат, ушбу салмоқли тўплам билан танишган ўқувчи унда муаллиф юрагида бор туйғуларини самимий ифода этганига амин бўлади.



Хусусан, кўпчиликка ёд бўлиб кетган шеърлар, қўшиққа айланган мисралар, ўзига хос услубда битилган достонлар ва пьесаларда адабнинг кўнгли мавжлари намоён бўлиб туради. Китобнинг эътиборга молик яна бир жиҳати бор. Унда муаллиф алоҳида “Ўн аср оша” деган эскартма билан ҳали кўпчилигимизга номаълум бўлган мумтоз шоирларимизнинг араб тилида битилган шеърларини таржима қилиб, китобхонларга тақдим этади. Хусусан, Абу Толиб Абдусаллом Маъмуний, Абу Бакр Хоразмий, Абу Саид Шабобий сингари йигирмадан зиёд шоирнинг биз кўнникан мумтоз асарлардан бошқачароқ услубда битилган шеърлари адабиёт ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Нигина ИСКАНДАРОВА

## ЖАЖЖИ АДАБИЁТ

Болаликда бобо ва бувиларимиздан эшитган эртакларнинг нашъу намоси ёдингиздадир? Халқнинг мулки бўлмиш афсона ва ривоятлар бола қалбимизда ҳайрат уйғотиши билан бирга, эзулик билан ёвузлик ўртасидаги чегарани чиқиб кўрсатган, одамийлик руҳида тарбият қилган экан. Баркамол авлодни вояга етказишда таълим ва тарбиянинг бекиёс ўрнини бугун ўзимиз ҳам теран тушуниб етдик. Жадид боболарнинг янги усул мактабларини очишда, ўқиш китобларини нашр этишда бежиз куйиб-пишмаганини баҳоликдрат англаб турибмиз.

Хабарингиз бўлса, ўтган йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратиш ва уларни оммалаштиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Шунга кўра, болалар

учун контент яратувчи тадбиркор ва ижодкорларга ҳам бир қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этиляпти. Шўқрки, орамизда жадидларнинг муносиб издошлари, уйғоқ қалб эгалари яшаётир. Таълим ресурсларини яратиш бўйича тажрибали мутахассис, “Erkatoy” журналининг асосчиси Нодирбек Юсуповнинг мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган туркум китоблар нашр этгани сўзимизнинг исботидир.

“Erkatoy alifbo”, “Erkatoy alifbo 2”, “Erkatoy english” тўпламлари содда тил ва тушунарли услубда ёзилган бўлиб, боланинг дунёни англаши ва эрта савод чиқаришига кўмаклашади, чет тили ҳақида бирламчи тушуноча беради. Шунингдек, ушбу ранг-баранг китоблардан шеърлар, эртаклар, матал ва топилмоқларнинг ўрин олгани ҳам қувонарли ҳол.

Биласиз, янги авлоднинг ўқуви тез, зехни ўткир. Технократия даврида кўз очган болаларни “хўрозқанд” билан овутиб бўлмайди. “Болани мактаб ўқитади” деган лоқайд қараш. “Эти сизники, сунги бизники” қабилидаги гаплар ҳам аллақачон эскирди. Замонавий таълим устоз билан бирга ота-оналардан бирдек фидойилик талаб этади. Фарзандларимиз ақли равшан, хулқи гўзал бўлиб улгайиши, учкур замоннинг илгор сафларида бўлиши учун зарур шароит яратиш, керакли адабиётлардан баҳраманд қилиш сизу биздек катталар учун эртанги куннинг ғамини еганимиз бўлади.

Жамолдин БАДАЛОВ

## ҲАЖВ

Ҳа, мени кўрсанг, танга топган тен-тақдай илжасан, Саттор Суроб? Ё бирорта ёшликдаги хунарларимдан агда-багда эшитганинг борми? Уларни баригаям ишонверма, устозинг Уста Гулмат айтгандай, ўтмишимнинг ярми эртак, ярми муболаға...

Кўзинг эркак қўнниқига ўхшаб қонталаш турипти, кутуриб-пугуриб қоганинг йўқми? Келиним тинчми? Набодосига хўроз уриштириб, улгуржи дов кўтарганинг йўқми? Ҳа, кўлтигимдагими? Ростанам эрта кунда кўздан қайсан сен бола. Тўп, ҳа, сендақа шаҳар кўрганлар копток дейди. Қаёққа бўларди, гузарга, тўп тепгани-да! Ҳеч замонда одам-зод тўп кўлтиқлаб қайнотасиникига меҳмондорчиликка борганини кўрганмисан? Ҳе, мосов! Баҳарнав, танижонинг соғ эмас сен болани! Қўзонга ўтиб, Қобил табибга бир кўриниб, эт-бетингни гижимлатиб кўр, зора-мора...

Ўзи, нимага кўпчилик дўхтир қолиб табибга қатнайди? Уйлаб кўрганмисан? Бўпти, сен ўйлаб тур, мен буган гапни айтаман. Тунов Жамол бўғирсоқни Мисрни “Шарманда Шайх”ига кузатиб, Бақачорсидаги “куйма пива”да пича салқинлашиб қопмиз. Зарурат ваҳидан таҳоратни бутлаб олай, деган эзгу ниятда Бақчирариқдан “пирим, мадад” деб иргиганими биламан, нариги қирғоққа юмшоқ кўндиму, чап тиззамдан “чпоқ” деганга ўхшаган тўмтоқ товуш чиқти. Ҳа, тиржайма, аниқ тиззамдан чиқти. Йўқ, оғриқ йўғиди. Саволинг ҳалиги табибниқига ўхшаб кетди: “Борми оғриқ?” Қисқаси, уйга қайтиб, сўрида пича зуум ғўрасини чамалаб ётсам, олдин жимиллаб, кейин симиллаб оғриб қолди-ю. Утираман, тураман, ёнбошлайман, думалайман, бир хил симиллайди қисталагинг. Хотин атрофидан биринчи марта арқонга тушган эчкидай айланади. Бир

# БОШДАН ЎТКАЗГАН ТАБИБ



маҳал тизза жанавар чала пишган Юсуп памилдорига ўхшаб бардамалаб берди. Қўлида кўнгиртоп тухум, хотин қақағлайди: “Мана, туркана дори, саригига бир кап туз кўшиб суриб, тангиб кўяй, сен кўр, мен кўр бўп кетасиз, энамдан қолган эм” дейди. Мен хўрозланиб, бор энангни эм деб, тикка Ултармага жўнадим. Вей, сен болада калла-палла борми? Тизза зирқиллаб турипти дедиму, пияда юриб бўладими? Вали ўрсини шайтонаравасига шоти бўлиб ётволдим. Қисқаси, ўрсини нос каплаб тупурғунимча рангли пуфакчалардан “Ширин жоним” деб бежалган хусусий дўхтирхонага агда-риб кетди. Энди суҳбатимизни эшит:

– Қаерингиз оғрияпти?  
– Тиззам.

– Ия-ия-ия! Буни тезда кесиш керак. Яхшиям вақтида келсиз. Агар беш минит кеч қолсангиз, Янгиқўрғондан кўлтиқтаёқ қидиришга тўғри келарди.

– Буни ренген-пенген қимайсизми?

– Чироқ йўқ. Лекин бизи кўзимизам ренген бўп кетган.

– Ҳеч йўқ ушлаб ҳам кўрмадингиз-у...

– Ниима бало сиз бу ерга ушлатгани келганмисиз ё даволанишгами? Лазер билан шундай кесамиз, изиям қомайди, икки соатдан кейин футбол ўйнайдиган бўласиз.

– Хизмат ҳақи қанақа?

– Истараси иссиқ йигит экансиз, сизга ўн милён.

– Войбу! Ўн милён? Бу пулга бўғоз ғўна-жин беради-ю!

## ТАЛҚИН



## ҲОЖИ БОБОНИНГ ТАКЯХОНАСИ

Абдулла Қодирининг “Ўткан кунлар” романи ўзбек адабиёти учун қанчалик қадрли бўлса, Ғафур Ғулومнинг “Шум бола” қиссаси ҳам шунчалар севимли. Мазлумки, ушбу асарда 1900 йиллар бошидаги Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ижтимоий ҳаёт тарзи қизиқарли тилда ҳикоя қилинади. Айниқса, Ҳожи бобонинг такяхонасига оид қисмда Биринчи Жаҳон уруши ва афсонавий Або Муслим жангномалари бирга қисқаланади. Жадидлар олиб бораётган ишлар ҳақида ҳам гап боради: “Бозорда ҳар хил гаплар эшитдим. Донни нархи ошармуш!”

Гап шундаки, ўша даврда Тошкентда, айниқса, Чорсу бозорида жадидлар Фарғона ва Тошкентда чиқарган газеталарини одамларга тарқатган. Бошланишида тазийқча олимгагани учун жадидлар байроқ кўтариб, яна арабча имлодаги алвонни икки таёққа торганларича бозорнинг гавжум жойига беш-олти нафар бўлиб келиб, халққа мурожаат қилган. Ўз режаларини айтиб, янги чиқарган газеталарини тарғиб қилган, уларни бепул тарқатган.

Бу орада газеталарнинг янги сонларини тарқатишда яна аввалгидек намойишкорлик ҳўкмрон бўлса-да, миршаблар газеталарни тортиб ола бошлади: “Бизга шунча кўрсатма берилган!” Мутаассиблар Тошкентдаги Оқпошшо резиденциясига ариза ёзиб ва озгаки маълумот етказиб, жадидлар-

нинг уларга туғдирадиган хавфидан огоҳлантирган: “Мен сenga сиёсатга аралашма демаганмидим!”

Ҳожи бобонинг такяхонаси мижозлари ўша даврнинг олақуроқ одамларидан иборат. Бу жой чилим тортиладиган, мижозларга афғон қорадориси пулланадиган махфий “притон” эди. Ҳожи бобо Қоравойни кўчадан бозорлик қилиб келишга жўнатаётганда тайинлайди: “Мабодо, бирор танишингни кўриб қолсанг, ҳаргиз бу ерда яшаётганингни, бу ерда кўрганларингни айтма!”

Такяхона ташқи оламдан узилиб қолган. Бу ерга йиғиладиганларнинг асосий мавзуси миш-мишлар, улар эски даврга хос афсонаю жангномаларни ўқитиб эшитганларича кўз ёши қилади: “Ана буни марди майдон дейдилар!” Чилимдан кайф қилган “ҳинди сарроф” узала тушганича, “ҳи-хи”лаб кулади.

Йигирманчи аср бошидаги Ҳожи бобонинг такяхонаси “Ўткан кунлар” романида Отабек иккинчи бор уйланганидан сўнг, уйига бормай ётиб юрадиган қарвонсарой – чоҳонанинг элик йилдан кейинги, чор ҳўкумати қўли остидаги янада маҳдуд кўриниши эди.

Қоравой бу ерда узоқ қолишида хайр кўрмайди ва саҳар чоғи ҳамма ухлаётганида такяхонадан жуфтакни ростлайди.

Бўям бир гап-да: баъзи давраларда ўтириб, “дилқушо суҳбат”ларга қулоқ тутиб, ўша такяхона эсга тушади негадир...

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

## ТИЛБИЛИМ



## “КУРАШМОҚ” ва “КУРАМОҚ”



Душманга қарши кураш, ҳаётда курашиб яшаш ва қорни кураш маънолари бор. Умуман, кураш сўзининг курамоқ феълига алоқаси борми? Ёки булар шунчаки шаклдош сўзларми? “Туркий тиллар этимологик луғати”да “кураш” сўзи кураш, баҳс, жанг маъноларини англатиши ҳақида айтилган. Уйғур тилида гура “белбоғли кураш” маъносини ифодалаган.

М.Рэзненен кураш сўзининг илдизини “синдириш”, “талон-торож қилиш”, “қазिश” маъноларида кура феълига тақайди. Бу ерда фақат қазिश маъносини курамоқ феълига нисбатан яқинроқ келади.

Маҳмуд Кошғарийда курашди (курәшди) сўзи фақат бир маънода – қорни кураш маъносинида изоҳланган: Ол мәнә қар кўрәшди. “Урушди”, “жанжаллашди” маъносини кәришди (кәришди) сўзида ифодаланган: кәриш – уруш ва талашувда қарама-қарши туриш. Кошғарийда “кур эр” бирикмаси “дөвюрәк, мағрур йигит” маъносинида келади.

Эшқобил ШУКУР

Jadid  
adabiy, bilim-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:  
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шўхрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:  
Отабек Бакиров

Адади – 18 477  
Шундан:

Кирилл ёзувида – 7005  
Лотин ёзувида – 11 472  
Медиа кузатувчилар – 84 035  
Буюртма: Г – 539  
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.  
Нашр кўрсаткичи – 222.  
Ташкилотлар учун – 223.  
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров  
Нигора Тошева



Манзилмииз:

Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани,  
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20  
Девонхона: (97) 745-03-69  
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17  
Jadid\_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00  
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

### Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УОШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ  
Қўллаб-қувватлаш  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”  
ЖАМОАТ ФОНДИ